10 27 ФЕВ 1982 ОПИСАНО

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

Қишлоқ ҳақиқати

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг газетаси

ГАЗЕТА 1974 ЙИЛ 1 ЯНВАРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

26 СЕНТЯБРЬ, 1982 ЙИЛ, ЯКШАНБА № 220 (2.626). Баҳоси 3 тийин.

ЎРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВНИНГ ОЗАРБАЙЖОНДА БЎЛИШИ

СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИ БОРИБ КЎРИЛДИ

В. И. Ленин тугилган кунинг 110 йиллиги кунида, Озарбайжон ССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги арафасида Бокудаги СССР Халқлари дўстлиги саройи очилган эди. Бу сарой Ленин васият қилиб қолдирган пролетар интернационализми ғояларини, шу ғоялар Советлар мамлакатидаги барча миллат ва элатларнинг мустаҳкам бирлигида рўёбга чиққанлигини ўрганувчи ва пропаганда қилувчи ижтимоий-сиёсий ва маданий марказ бўлиб қолди.

24 сентябрь кечқурун саройни Ўртоқ Л. И. Брежнев бориб кўрди. У экспозиция билан қизиқиб танишди. Экспозицияга қўйилган ҳужжатлар, фотосуратлар, китоблар ҳамда бошқа факт ва материаллар Россия билан Озарбайжоннинг қадимий кўп томонлама алоқаларининг, рус ва Озарбайжон халқлари дўстлигининг тарихий илдизларини, уларнинг Совет Иттифоқидаги бошқа халқлар билан биргаликда социализм ва коммунизм қурилишидаги иштирокини яққол тасвирлайди.

Бокудаги яширин «Нина» босмахонасида босилган Ленин «Искра»сининг фотонусҳалари; «Бакинский рабочий» ва «Гуммет» газеталарининг дастлабки сонлари, интернационалчилар — 26 Боку комиссарларининг ҳаёти ва кураши тўғрисидаги ҳужжатлар бу ерга қўйилган.

Экспозициянинг махсус бўлими Улуғ Ватан урушига бағишланган. Шу кураш алангасида Совет Иттифоқи халқларининг бирлиги янада кўпроқ метинлашганлиги унда тасвирланган. Ўртоқ Брежнев ўша даҳшатли йиллардан шоҳидлик берувчи ҳужжатларни кўздан кечирди: ўтган уруш унинг учун тарихгина эмас, чунки у шу урушнинг биринчи кунидан сўнгги кунигача оловли йўллардан ўтган. Уруш ҳақидаги хотира ҳозирги кунинг совет кишилари учун, ер юзидаги бутун инсоният учун тинч ҳаётни сақлаб қолиш тўғрисидаги доимий гоят қийин ишларни ҳам кўп жиҳатдан белгилаб бермоқда.

Иттифоқдош республикалар галереяси ўн беш республикадан ҳар бирининг иқтисодий, илмий-техникавий, маданий-социал ривожланишига бағишланган. Унинг СССР ташкил этилганлиги 60 йиллиги тўғрисидаги экспонатлари Озарбайжоннинг қардош иттифоқдош республикалар билан кўп томонлама алоқаларини тасвирлайди. Чунончи, Озарбайжоннинг 45 шаҳри ва райони Ватанимиздаги бошқа 68 та шаҳар ва район билан мусобақалашмоқда. Республика корхоналарининг меҳнатчилари бутун мамлакатдаги 656 та меҳнат коллективи билан мустаҳкам амалий алоқа боғлаб турибди.

Ўртоқ Л. И. Брежневнинг 1970 ва 1978 йилларда Озарбайжонда бўлганлигини кўпдан-кўп фотосуратлар ҳикоя қилади.

Л. И. Брежнев экспозицияни кўздан кечирганидан кейин ҳурматли меҳмонлар китобига қуйидагиларни ёзиб қўйди:

«Озарбайжон бой интернационал анъаналари билан шуҳрат қозонган. Бу анъаналар шу кунларда ҳам кўпайтирилиб, ривожлантирилаётганлигини қайд этиш ёқимлидир. Озарбайжоннинг меҳнатдаги муваффақиятлари, унинг мамлакатимиздаги коммунистик қурилиш ишига қўшаётган актив ҳиссаси — республикада халқлар дўстлиги ленинча байроғи остида маҳкам жипслашган барча миллат меҳнаткашлари биргаликдаги ишининг самарасидир.

Мана шуларнинг ҳаммаси кўркам СССР Халқлари дўстлиги саройининг экспозицияларида яққол акс эттирилган.

Сарой коллективига социалистик Ватанимиздаги барча миллат ва элатлар дўстлиги ҳамда қардошлиги ғояларини пропаганда қилиш соҳасида самарали ишлар қилишини тилайман».

Экспозицияни кўздан кечириш пайтида Озарбайжон Фанлар академиясининг президенти Г. Б. Абдуллаев ва академик П. А. Азизбекова Леонид Ильич Брежневни табрикладилар.

Ўртоқ Брежнев С. М. Киров ҳайкалини бориб кўрди.

Г. А. Алиев, К. А. Халилов, Г. Н. Сеидов, А. М. Александров, Л. М. Замятин, М. Е. Могилевец, бошқа ўртоқлар Л. И. Брежнев билан бирга бўлдилар.

(ТАСС).

ЧУҚУР ҲУРМАТ БЕЛГИСИ

В. И. ЛЕНИН ҲАЙКАЛИ ПОЙИГА ГУЛЛАР ҚЎЙИЛДИ ⊙ 26 БОКУ КОМИССАРИ МЕМОРИАЛИ ВА XI ҚИЗИЛ АРМИЯ МОНУМЕНТИ БОРИБ КЎРИЛДИ

БОКУ, 25 сентябрь. (ТАСС). Озарбайжон халқи ўз ҳаётидаги тарихий воқеани — республикада Советлар ҳокимияти ўрнатилганлигини улуғ Ленин номи билан боғлаб келмоқда. У ленинча миллий сиёсатни Озарбайжон ССР барча муваффақиятларининг гарови деб билмоқда. Бокуликлар Коммунистик партия ассоциси ва дунёда биринчи Совет давлати раҳбарининг хотирасини пойтахт марказида, Владимир Ильич Ленин номли майдондаги улуғвор монументда абадийлаштирдилар.

Бугун КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев В. И. Ленин ҳайкали пойига гуллар қўйди.

Майдонда фахрий қоровул саф тортиб турди. СССР ва Озарбайжон ССР давлат гимнлари ижро этилди.

Ўртоқ Л. И. Брежнев, КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Озарбайжон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Г. А. Алиев, Озарбайжон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. А. Халилов, республика Министрлар Советининг Раиси Г. Н. Сеидов, Озарбайжон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзолика кандидатлари халқ иши учун — Озарбайжонда Совет ҳокимиятини ўрнатиш учун қаҳрамонларча ҳалок бўлган 26 Боку комиссари мемориалини ҳам бориб кўрдилар. Улар Закавказьеда революцион ҳаракат курашчиларининг хотирасини бир дақиқа сукут сақлаб, ҳурмат билан эсга олдилар.

Леонид Ильич мемориалнинг мангу олови ёнига гулчамбар қўйди. Гулчамбарнинг қизил лентасида: «Коммунизм учун шонли курашчилар — 26 Боку комиссарига КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежневдан» — сўзлари ёзилган эди.

Гулчамбарни қўйиш чоғида ҳарбий ҳурмат эҳтиром бажо келтирилди.

Ўртоқ Брежневни партия ветеранлари табрикладилар. Леонид Ильич уларга сиҳатсаломатлик тилади.

Қаҳрамонона XI Қизил Армияга яқинда ёдгорлик ўрнатилган майдон байрамона ва тантанавор тус олган. Ана шу Қизил Армия В. И. Ленининг кўрсатмасига биноан унутилмас 1920 йилда шу диёрда Советлар ҳокимияти абадий қарор топмоғи учун Озарбайжоннинг ишчи ва деҳқонларини кўтарган оммасига ёрдамга келган эди.

XI армиянинг бу ерга йиғилган ветеранлари, Улуғ Ватан урушининг қатнашчилари Л. И. Брежнев ва Г. А. Алиев ўртоқларни қизғин қарсаклар билан самимий кўл бериб кутиб олдилар.

— Азиз Леонид Ильич! — деди Совет Иттифоқи Қаҳрамони А. Ф. Везиров. — Гражданлар уруши ва Улуғ Ватан уруши ветеранлари номидан Сизни самимий табриклашга ҳамда тинчлик рамзи сифатида, Ер юзида тинчликни сақлаб қолиш йўлида Сиз олиб бораётган тинимсиз кураш учун шахсан Сизга ва Коммунистик партияга миннатдорчилик белгиси сифатида ушбу шамширни тақдим этишга ижозат бергайсиз.

Леонид Ильич Бокунинг меҳнаткаш халқи XI армия жангчиларини шодиёна табриклаб кутиб олган жойда ўрнатилган монументни кўздан кечирди. Қўлида ялтираб турган байроқни кўтариб олган рус жангчисининг бронза ҳайкали қизил гранит супада қад кўтарган. Унинг ёнида қўлига қурол олган Озарбайжон ишчиси ва деҳқони турибди. Бу — революцион армия билан кўзғолон кўтарган халқ бирлигининг рамзидир. Халқларимиз бузилмас, ленинча дўстлигининг тимсоли бўлган шу монументда Озарбайжон халқи қардошларча интернационал ёрдам учун улуғ рус халқига ўзининг меҳр-муҳаббати, ҳурмати ва миннатдорчилигини ифода этган.

Шаҳарнинг ҳамма жойида Боку аҳолиси Леонид Ильич Брежневни самимий табриклаб турди.

МЕҲНАТКАШЛАР БИЛАН САМИМИЙ УЧРАШУВЛАР

БОКУ, 25 сентябрь. (ТАСС махсус мухбирлари А. Беликов, Е. Иванов). Бугун Леонид Ильич Брежнев «Шельф-2» установкасида бўлди. Денгиз нефтчилари Л. И. Брежнев ва Г. А. Алиев ўртоқларни самимий кутиб олдилар.

Каспий Озарбайжонда қазиб чиқарилаётган нефтнинг учдан икки қисмини ва газнинг 90 процентдан кўпроғини бермоқда. Ҳозир очиқ денгизда ҳар хил типдаги сузувчи платформалар установкаларининг бутун бир флотилияси ишлаб турибди. Чуқур сувларда қудуқлар қазиш учун мўлжалланган «Шельф» кўчма платформалар установкаси Ватан фани ва техникасининг муҳим ютуғидир.

«Каспморнефтегазпром» Бутуниттифоқ саноат бирлашмасининг раҳбари Социалистик Меҳнат Қаҳрамони К. А. Аббосов «Шельф» 58 метрли минораси бўлган улкан иншоот эканлигини айтди. У кўпдан-кўп парналаш ва насос ускуналари, кўтарма механизмлари, аниқ приборлари ва бошқа мураккаб техникаси бўлган бутун бир корхонадир. Уни бунёд этишда мамлакатдаги 20 та илмий-тадқиқот институти, Астрахань кемасозлик бирлашмаси, Свердловск машинасозлари, бошқа корхоналар иштирок этдилар.

«Шельф-2» Ватанимиздаги иккинчи кўчма платформа. Бу платформа денгиз сувининг сатҳи икки юз метргача бўлган жойларда олти минг метргача чуқурликдаги қудуқларни парналаш учун мўлжалланган. Сузувчи бошқа парналаш установкаларидан фарқли ўлароқ бу установка денгиз тубига таянмай, сувга туширилиб, понтонлар ва лангарлар ёрдамида сув юзида туради. Ер бағри разведкачиларининг энг сермеҳнат ишини — барча туширишларни — кўтариш операцияларини автоматлар бошқаради.

Леонид Ильич парналаш установкаси коллективига СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги шарафига қабул қилинган социалистик мажбуриятларни бажаришда муваффақиятлар тилади.

(ТАСС).

Улкан ҳирмон учун

Республика областларида пахта тайёрлашнинг борили тўғрисида шу йил 25 сентябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

(планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан буён; тўртинчи устун — шу жумладан бир кунда машинада терилган пахта; бешинчи устун — мавсум бошидан буён.

Хоразм	2,47	50,23	2,33	25,14
Бухоро	2,25	49,92	1,12	8,13
Тошкент	6,00	46,82	5,52	42,75
ҚҚАССР	2,95	40,14	2,47	20,66
Сурхондарё	2,57	39,29	1,77	22,16
Навоий	2,42	36,03	1,75	11,11
Наманган	2,21	32,26	1,87	12,07
Андижон	2,32	30,32	1,23	3,61
Фарғона	2,10	30,02	0,77	6,27
Қашқадарё	2,05	29,12	1,46	11,83
Самарқанд	2,14	28,40	1,45	12,18
Сирдарё	4,16	21,72	5,18	22,81
Жиззах	3,55	21,36	4,09	20,92
Республика бўйича	2,79	34,76	2,40	17,05
Шу жумладан нигичка толали пахта				
Навоий	2,33	41,10	—	—
Наманган	1,38	39,68	—	—
Сурхондарё	3,25	38,81	2,93	22,72
Бухоро	1,37	22,80	—	—
Қашқадарё	2,24	19,55	1,01	2,27
Республика бўйича	2,78	32,15	2,04	14,01

Коммунистик районидаги «Политотдел» колхозининг У. Турсунбоев бошлиқ бригадаси тажрибакорлари СССРнинг 60 йиллиги шонли юбилейини гектаридан 47 центнердан «оқ олтин» етиштириш билан кутиб олишга ахд қилишган.

Суратда: бригада бошлиғи У. Турсунбоев (чапда) механик ҳайдовчилардан — мусобақа ғолиблари М. Соатов, С. Даубоев ўртоқлар билан суҳбатлашмоқда.

Б. Одилов фотоси.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ 1982 ЙИЛ МАЙ ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИ АСОСИДА 1983—1985 ЙИЛЛАРДА РЕСПУБЛИКАДА КАРТОШКА ЕТИШТИРИШНИ КЎПАЙТИРИШ ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛДИЛАР.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети билан Ўзбекистон ССР Министрлар Совети шуни қайд этадиларки, республика колхоз ва совхозлари партия ташкилотларининг, совет ва қишлоқ хўжалик органларининг раҳбарлигида республикада картошка етиштиришни кўпайтириш тўғрисида илгари қабул қилинган қарорларни амалда рўёбга чиқариш борасида кўпгина ишлар қилдилар.

1982 йилда картошка экиладиган майдонлар барча категорияларда 1980 йилдагига нисбатан 1,4 баравар кенгайиб, 33 минг гектарга етди.

1981—1982 йилларда Ўзбекистон ССР Мева-сабзавот хўжалиги министрлигида 10 та ихтисослаштирилган картошкакорлик совхози ва мавжуд совхозларда 5 та бўлим, Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлигининг мавжуд корхоналарида картошка етиштирувчи 5 та ихтисослаштирилган бўлим, шунингдек кўпгина пахтачилик хўжаликларида ихтисослаштирилган картошкакорлик звенолари ва бригадалари тузилди.

1981 йилда картошканинг ялпи ҳосили 326 минг тоннага етди, ёки бир йил ичида 36 процент кўпайди. Картошка харид қилиш 1980 йилдаги 137 минг тоннадан 1981 йилда 190 минг тоннага етди. 1982 йил сентябрь ойининг ўрталарига келиб, 142,4 минг тонна (планнинг 103 проценти миқдорида) картошка тайёрланди, 1981 йилнинг шу даврида 128,8 минг тонна картошка тайёрланган эди.

Шу давр ичида уруғлик картошкани колхозлар ва совхозларнинг ўзида етиштириш ҳисобига тайёрлаш кўпайди.

Шу билан бирга Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети эришилган натижалар КПСС Марказий Комитети 1982 йил май Пленуми қарорларига ва Озиқ-овқат программасини амалга ошириш вазифаларига мос эмас, деб ҳисоблайдилар. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети билан Ўзбекистон ССР Министрлар Совети республика колхозлари ва давлат хўжаликларида картошка майдонини кенгайтириш ҳамда уни етиштиришни кўпайтириш тўғрисида 1981 йил сентябрида қабул қилган қарори бир қанча областларда қониқарсиз бажарилмоқда.

Навли уруғлик картошка тайёрлаш, картошка омборлари қуриш, картошка экиш учун янги ерларни комплекс ўзлаштириш топшириқлари тўлиқ бажарилгани йўқ. Ҳали кўпинча бошқа республикалардан ташиб келтирилган ва районлаштирилмаган картошка навлари экилмоқда.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети область ва район партия комитетларига, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига, область ва район ижроия комитетларига Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги, Мева-сабзавот хўжалиги министрлиги, Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги, Савдо министрлиги, Қишлоқ қурилиши министрлигига, «Главсредазирсовхозстрой»га, Ўзбекистон ССР Госкомсельхозтехникасига, Узсельхозхимияга, Ўзбекбирлашувга, «Ўзсортсемовощ» бирлашмасига, Узколхозстройга ва ВАСХНИЛ Ўрта Осиё бўлимига КПСС Марказий Комитети 1982 йил май Пленуми қарорларига асосланиб, қишлоқда ташкилотчилик ишини кучайтириш ҳамда республика колхоз ва совхозларини, бошқа қишлоқ хўжалик корхоналарида, қурилиш ташкилотлари ва бошқа корхоналар ҳамда ташкилотларнинг ёрдамчи хўжаликларида, аҳолининг шахсий ёрдамчи хўжаликларида шу беш йилликнинг охирига бориб, картошкани республиканинг ўзида етиштириш ҳисобига аҳолининг унга бўлган эҳтиёжини асосан тўла таъминлаш мақсадида 1983—1985 йилларда картошка етиштиришни кескин кўпайтиришни таъминлаш вазифасини топширдилар.

1985 йилда хўжаликларнинг барча категорияларида картошка етиштириш ҳажмини 902 минг тоннага, шу жумладан колхозлар ва давлат хўжаликларида 800 минг тоннага етказиш мўлжалланади. Бунда эртанги картошка етиштириш ялпи ҳосилнинг 30—35 процентига, ўртаги картошка етиштириш ялпи ҳосилнинг 50—55 процентига қадар етказилади.

1985 йилга бориб, колхозлар ва давлат хўжаликларида картошка экиладиган майдонлар 67,6 минг гектарга қадар кенгайтирилиши таъминлансин. Картошка экиладиган майдонлар мавжуд совхозлар ҳисобига ҳам, шунингдек янги ихтисослаштирилган совхозларни ташкил этиш ҳисобига ҳам кенгайтирилсин. Область партия комитетларига, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига ва область ижроия комитетларига, Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги, Мева-сабзавот хўжалиги министрлиги, Мелиорация ва сув хўжалиги министрлигига, «Главсредазирсовхозстрой»га ҳамда ВАСХНИЛ Ўрта Осиё бўлимига картошка етиштирувчи янги ихтисослаштирилган совхозларни ташкил этишга доир таклифларни тайёрлаш ҳамда бу таклифларни Ўзбекистон ССР Министрлар Советига кўриб чиқиш учун тақдим этиш топширилди.

Ўзбекистон ССР Тайёрлаш министрлиги билан Мева-сабзавот хўжалиги министрлигига, Ўзбекбирлашувга, «Ўзсортсемовощ» бирлашмасига, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига ва область ижроия комитетларига ўртага қўйилган вазифалар бажарилишини таъминлайдиган ҳажмларда картошка харид қилиш тўғрисида хўжаликлар билан ҳар йили шартномалар тузилишига эришиш таклиф қилинди.

Республика Қишлоқ хўжалик министрлиги билан Мева-сабзавот хўжалиги министрлиги, «Главсредазирсовхозстрой», ВАСХНИЛ Ўрта Осиё бўлими, «Ўзсортсемовощ» бирлашмаси, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети ва область ижроия комитетлари 1983—1985 йилларда ўзларида етиштирилган навли уруғлик картошка ҳисобига уни тайёрлаш плани сўзсиз бажарилишини таъминлашлари шарт. «Ўзсортсемовощ» бирлашмаси районлаштирилган уруғлик картошка навлари бошқа республикалардан ташиб келтирилишини таъминласин.

Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлигига, Қишлоқ хўжалик министрлиги, Мева-сабзавот хўжалиги министрлигига, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига ва область ижроия комитетларига картошка экиш учун янги ерларни комплекс ўзлаштириш топшириқларини сўзсиз бажариш юзасидан қўшимча тадбирлар кўриш тавсия этилди.

Республика Госплани, Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги, Мева-сабзавот хўжалиги, Қишлоқ қурилиши министрликларига, «Ўзсортсемовощ» бирлашмасига, Узколхозстройга, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига ва область ижроия комитетларига товар ва уруғлик картошка етиштиришга ихтисослаштирилган хўжаликларда бир вақтнинг ўзида 142 минг тонна ҳажмдаги маҳсулот сақланадиган картошка омборлари қурилиши юзасидан топшириқларни бажариш учун қўшимча капитал маблағларни киритиб топиш ва зарур чораларни кўриш таклиф этилди.

Қарорда алмашлаб экишни ўзлаштириш, органик ўғитлардан кенг фойдаланиш, ўсимликларни зараркунандалардан, касалликлар ва бегона ўтлардан ҳимоя қилиш тадбирлари системасини яхшилаш, картошка етиштириш ва йиғиштириб олиш жараёнларини механизациялаш асосида картошкакорликда деҳқончилик маданияти оширилишини таъминлаш кўзда тутилган.

Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги конкрет тупроқ иқлим зоналари учун тасдиқланган суғориш режимларига мувофиқ картошкачилик хўжаликларини сув билан таъминласин.

Республика Госплани ва Ўзбекистон ССР Госкомсельхозтехникаси картошка экадиган хўжаликларни картошка етиштириш ва йиғиштириб олиш учун МТЗ —80 тракторлари ва махсус машина-механизмлар билан таъминлашни яхшилаш юзасидан қўшимча тадбирларни кўришлари зарур. Узсельхозхимия республиканинг картошка экадиган колхозлари ва совхозларига ўғитлар, гербицидларни, шунингдек, картошка зараркунандалари ва касалликларига қарши кураш воситалари ҳамда материалларини хўжаликларнинг буюртмаларига биноан уларнинг эҳтиёжларини таъминлайдиган ҳажмларда етказиб берсин.

Қарорда картошкани йиғиштириб олиш, ташиш ва сақлаш вақтида нобуд бўлишини қисқартиришга доир тадбирларни ишлаб чиқиб, амалга ошириш зарурлигига министрликлар ва идораларнинг эътибори жалб қилинган. Картошкани ташиш ва сақлаш учун контейнерлардан кенг фойдаланиш кўзда тутилсин.

Ўзбекистон ССР Савдо министрлигига, Мева-сабзавот хўжалиги министрлигига, Ўзбекбирлашувга, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига, область ва шаҳар ижроия комитетларига республикада картошка савдосини яхшилаш юзасидан қўшимча чоралар кўриш, 1983-1985 йилларга мўлжалланган планларнинг лойиҳаларида моддий-техника базасини ривожлантиришга зарур капитал маблағлар ажратилишини кўзда тутиш таклиф этилди. Картошкани контейнерларда ташиш савдода кенг жорий этилсин ва уни қадоқланган ҳолда сотиш кенгайтирилсин.

ВАСХНИЛ Ўрта Осиё бўлимига, унинг қарамоғидаги институтларга ва аграр тематика билан боғлиқ бўлган бошқа илмий-тадқиқот институтларига картошкакорликка ҳамда фан-техника тараққиёти ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этишга доир илмий-тадқиқот ишларини ўтказиш учун «картошка» комплекс программасини ишлаб чиқиш топширилди. Мазкур программада картошка селекцияси ва уруғчилиги, элита материал етиштириши кўпайтириш, Ўзбекистоннинг конкрет тупроқ-иқлим зоналарига тадбиқан картошка етиштиришнинг индустриал технологиясини ишлаб чиқиш борасидаги илмий-тадқиқот ишларини ривожлантириш, шунингдек республикада картошкакорликнинг самарадорлигини ошириш масалалари кўзда тутилсин.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети билан Ўзбекистон ССР Министрлар Совети область ва район партия комитетлари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, область ва район ижроия комитетлари, министрликлар ва идораларнинг раҳбарлари, қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги мутахассислари, тайёрлов ташкилотлари, бошланғич комсомол ва касаба союз органлари, колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари республикада картошкакорликни янада ривожлантириш учун ҳамма ишни қиладилар. Озиқ-овқат программасини амалда рўёбга чиқаришга, республика аҳолисини картошка билан таъминлашни яхшилашга муносиб ҳисса қўшадилар, деб ишонч билдирадилар.

ТОШКЕНТГА БАЙРАМ КЕЛМОҚДА

Республикада ўтаётган кўп миллатли Совет адабиёти фестивали қатнашчиларини тошкентликлар энг азиз меҳмонлар сифатида кутиб олдилар. СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигига бағишланган бу адабиётлар қардошлиги байрами, қардош совет халқлари байрами Нукусда бошланиб, ҳозиргача Ўзбекистоннинг кўпгина шаҳарлари ва қишлоқларида бўлиб ўтди. Мамлакатимиз ҳаётидаги шонли сана арафасида китобхонлар олдида катта ижодий ҳисобот бериш учун йиғилган Москва, Ленинград, иттифоқдош республикаларнинг адибларини Тахиатош, Самарқанд, Фарғона, Марғилон, Риштон, Қўқон, корхоналар, колхозлар, совхозлар, қурилишларнинг коллективлари қабул қилдилар.

КПСС XXVI съезди қарорларини, СССРнинг Озиқ-овқат программасини амалга ошираётган республика меҳнаткашлари билан бўлиб ўтган ҳар бир учрашув ёзувчиларга ҳам, китобхонларга ҳам, янги куч-ғайрат бағишлади. Фестиваль қатнашчилари йўл дафтарчаларида кўрган билганлари ҳақида, учраган кишилари тўғрисида, уларнинг ишлари ҳақида неча ўнлаб варақларни ёзиб тўлдиришди. Албатта, ана шу ёзувларнинг асосий қисми «оқ олтин» яратаётган олтин қўлли пахтакорларга таллуқлидир. Пахтакорларнинг ишини яқиндан кўрган ёзувчилар ва шоирлар уларнинг чинакам улуғвор меҳнати тўғрисида кишиларга ҳикоя қилиб беришни, бунёдкор деҳқонни шарафлашни ўзларининг бурчи деб ҳисобламоқдалар.

Фестиваль кунлари Самарқанд ва Фарғонадаги ижодий конференцияларда кўп миллатли Совет адабиётини янада ривожлантириш йўллари тўғрисида коммунизм биноқорлари совет нишиларининг ақл-идроки ва қалбига адабиётнинг таъсирини кучайтириш тўғрисида гап борди.

Мана энди фестивалда қатнашаётган адибларни Тошкент кутиб олди. Олдинда республика пойтахтининг меҳнаткашлари билан янги учрашувлар, адабий кечалар кутмоқда. Совет халқлари дўстлиги — қардош адабиётлар дўстлиги байрамининг якунловчи тароналари Тошкентда янграйди.

(ЎзТАГ).

ҲОСИЛНИНГ ҲАММАСИНИ ЙИҒИБ-ТЕРИБ ОЛАЙЛИК, АСРАЙЛИК ВА ҚАЙТА ИШЛАЙЛИК

САХОВАТЛИ ЗАМИН

Айни пишиқчилик, тўкиб-сочилик фасли — олтин кузда ўтказиладиган анъанавий «Самарқанд ерининг саховати» кўргазмасида Энгельс номли колхоз павильони бу йил ҳам серфайз. Хўжалик аъзолари етиштираётган 23 хил маҳсулот билан қатнашмоқдалар. Улар орасида олтиндай товланувчи ширин-шакар узумлар, нок, олма, шафтоли, помидор, турли хил сабзавотлардан тортиб, Боғибаланднинг бутун Зарафшон водийсига машҳур оқ анжиригача кўриш мумкин.

Шуни айтиш керакки, мазкур хўжалик анъанавий кўргазмада қатнашар экан, қатор йиллардан буён совринли ўринларни эгаллаб келаётир. Бунда талабчан жюри павильоннинг безатилишидан тортиб, маҳсулотнинг тури, салмоғи, шаҳар аҳолисига қанча етказиб берилишигача хисобга олади. Колхоз эса, ўз навбатида қўйилаётган бу талабларнинг бирортасида ҳам бўш келмайди. Бирнича помидорнинг ўзидан гектар бошига пландаги 370 центнер ўрнига 500 центнердан знёд ҳосил олинди. Мавсум охиригача бу кўрсаткични 800 центнерга етказиш учун қизғин қураш кетаётир. Маматқул Суюнов, Саифи Тўхтаев, Бадал Қодиров, Тоғир Ҳимматов каби звено бошлиғи, сувчи ва механизаторлар, айниқса, жонбозлик кўрсатишаётир.

— Ютуқнинг калити меҳнатни механизация ва фан ютуқларига суяниб ҳолда ташкил эта билишда, —дейди бу ҳақдаги саволимизга жавоб берарқан бригада бошлиғи Беги ака Рўзиматов.— Бир қарашда арзимас туюлган оддий жараёнлар ҳам ҳосилдорликнинг ошиши ёки камайишига жиддий таъсир кўрсатади. Масалан, сўнгги йилларда баҳорги экиш олдидан ерни отвалсиз плуг билан чуқур шудгор қилишни кенг йўлга қўйдик. Шундай қилинганида кузги шудгор пайтида тупроқнинг остки қатламига тушиб кетган бегона ўт уруғлари юзага қайтиб чиқмайди. Тупроқ остида чиримайди. Сабзавотчиликда бегона ўтнинг экинга қанчалик зиён келтиришини айтмайсизми? Ёки кўчат етиштиришда эски хандақ типидаги парниклардан енгил полиэтилен пленкали ёйсимон парникларга ўтилиши ҳам ижобий самаралар берди. Бунда ҳам ҳосилдорлик ошди, ҳам маҳсулот таннархи пасайди. Колхозчиларнинг меҳнат шаронти яхшиланди. Ҳар гектар ер ҳисобига 40 тоннадан чиритилган маҳаллий ўғит чиқаряпмизки, бунинг ҳосилдорликка фойдаси тенгсиз.

Боғибаланд. Бу ер қадимқадим замонлардан ўзининг ажойиб анжирлари билан машҳур. Коммунист Тошпўлат ака Қудратов 32 йилдан буён шу ерда бригадага етакчилик қилади. Бригада далаларида анжир етиштириш билан бирга сабзавотдан ҳам мўл ҳосил етиштириш йўлга қўйилди. Мавжуд 25 гектар майдоннинг 20 гектарида помидор, қолган 5 гектарида карам етиштирилаётир. Ҳозиргача ҳар гектар ер ҳисобига ўртача салкам 500 центнердан сабзавот топширилди. Зиммадаги 600 центнерлик мажбуриятнинг ошириб бажарилишига коллективнинг ишончи комил.

Биз помидор пайкалларини оралар эканмиз, улар ўтдан тозаланиб, культивация қилинаётганлигининг гувоҳи бўлдик.

— Пайкалларимизда яна бир план миқдорида ҳосил бор, — дея тушунтиради бригада бошлиғи Тошпўлат ака. — Мана, экин гуллаб, мева тугиб етибди. Тагини юмшатиб, шарбат суви оқизамиз. Қарабсизки, эл дастурхонидан кеч кузгача янги узилган помидор аримайди.

Октябрь революцияси, Меҳнат Қизил Байроқ, «Ҳурмат Белгиси» орденлари кавалери, область Советининг депутати Тошпўлат ака Қудратов келажакка ишонч кўзи билан қарайдиган одам. Миришкор деҳқон СССРнинг Озиқ-овқат программаси асосида ўз бригадасида 1990 йилгача бўлган даврда қилинадиган ишларнинг қатъий режасини тузиб чиқди. Унда сабзавот етиштиришни янада кўпайтириш, анжир ҳосилини ҳозирги 40 тоннадан 100 тоннага етказиш, серҳосил анорзор барпо этиш кўзда тутилган.

— Ана шундай тиниб-тинчимас бригадирларимиз, меҳнатсевар колхозчиларимиз бор экан, кўнглимиз тўқ, — дейди колхоз раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Ҳикмат Асадов мамнуният билан. —Хўжалигимизда 370 гектар сабзавот майдони, шунингдек, 500 гектар токзор, 200 гектар боғимиз бор. Гектарига 370 центнердан сабзавот етиштириб, йиллик планни муддатидан илгари адо этдик. Яъни 13 минг 700 тоннадан знёд сабзавот маҳсулотлари тайёрладик. Ана шу кўрсаткични 18 минг тоннага етказмоқчимиз. Шунда ҳосилдорлик гектар бошига ўртача 500 центнерни ташкил этади. Мева ва узум тайёрлаш қизғин давом этяпти. Пландаги 5400 тонна ўрнига 7000 тонна узум етиштиришни мўлжаллаяпмиз. Юбилей йилида барча кўрсаткичларни ошириб бажарилишига коллективнинг ишончи комил.

Биз помидор пайкалларини оралар эканмиз, улар ўтдан тозаланиб, культивация қилинаётганлигининг гувоҳи бўлдик.

— Пайкалларимизда яна бир план миқдорида ҳосил бор, — дея тушунтиради бригада бошлиғи Тошпўлат ака. — Мана, экин гуллаб, мева тугиб етибди. Тагини юмшатиб, шарбат суви оқизамиз. Қарабсизки, эл дастурхонидан кеч кузгача янги узилган помидор аримайди.

Октябрь революцияси, Меҳнат Қизил Байроқ, «Ҳурмат Белгиси» орденлари кавалери, область Советининг депутати Тошпўлат ака Қудратов келажакка ишонч кўзи билан қарайдиган одам. Миришкор деҳқон СССРнинг Озиқ-овқат программаси асосида ўз бригадасида 1990 йилгача бўлган даврда қилинадиган ишларнинг қатъий режасини тузиб чиқди. Унда сабзавот етиштиришни янада кўпайтириш, анжир ҳосилини ҳозирги 40 тоннадан 100 тоннага етказиш, серҳосил анорзор барпо этиш кўзда тутилган.

— Ана шундай тиниб-тинчимас бригадирларимиз, меҳнатсевар колхозчиларимиз бор экан, кўнглимиз тўқ, — дейди колхоз раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Ҳикмат Асадов мамнуният билан. —Хўжалигимизда 370 гектар сабзавот майдони, шунингдек, 500 гектар токзор, 200 гектар боғимиз бор. Гектарига 370 центнердан сабзавот етиштириб, йиллик планни муддатидан илгари адо этдик. Яъни 13 минг 700 тоннадан знёд сабзавот маҳсулотлари тайёрладик. Ана шу кўрсаткични 18 минг тоннага етказмоқчимиз. Шунда ҳосилдорлик гектар бошига ўртача 500 центнерни ташкил этади. Мева ва узум тайёрлаш қизғин давом этяпти. Пландаги 5400 тонна ўрнига 7000 тонна узум етиштиришни мўлжаллаяпмиз. Юбилей йилида барча кўрсаткичларни ошириб бажарилишига коллективнинг ишончи комил.

Эл дастурхонига

ҚАШҚАДАРЕ. СССР 60 йиллиги шарафига бошланган Бутуниттифоқ социалистик мусобақасига қўшилиб ишлаётган Китоб райони полизчилари зафар қучдилар. Давлатга 2120 тонна полиз экинлари маҳсулоти етказиб берилди. Бу пландагидан 120 тонна кўпдир.

Эришилган бу ютуққа Карл Маркс номли, Улуғбек номли, Куйбишев номли, Свердлов номли колхозлар, «Зарафшон», «Қишлоқ» «Варганза» ва «Партия XII съезди» совхозлари полизчилари муносиб улуш қўшдилар. Район полизчилари шу кеча-кундузда социалистик мажбуриятни ҳам тезроқ бажариш йўлида астойдил меҳнат қилмоқдалар.

Ҳ. РАҲМОНОВ.

* * *

ЖИЗЗАХ. «Гулистон» совхози Ғаллаорол районидаги мевачиликка ихтисослашган пешқадам хўжаликлардан ҳисобланади. Бу йил совхоз соҳибкорлари 4 минг тонна узум етиштириш учун курашмоқдалар. Ҳамма ҳосил давлатга топширилади. Айни кунларда соҳибкорлар дастлабки ютуқни қўлга киритдилар. Узум топшириш халқ хўжалиги плани шараф билан адо этилди.

Ҳозир ҳам соҳибкорлар 8—10 тоннага етказиб узум узишга эришмоқдалар. Узилган узумлар пешма-пеш шаҳарликларга етказиб бериляпти. Хўжаликда етиштирилаётган узумлар Бутунитти-фоқ фондига ҳам тортиқ этилаётир. Бугунгача 250 тонна узум Москва, Омск, Иркутск шаҳар меҳнаткашларига юборилди.

А. ЭРГАШЕВ.

БУГУН—МАШИНАСОЗЛАР КУНИ

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИГА МУКАММАЛ МАШИНАЛАР

Қишлоқ хўжалигини бугунги кун талаблари даражасида ривожлантириш машинасозлар олдига ҳам катта вазифалар қўймоқда. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев партия XXVI съездига КПСС Марказий Комитети номидан қилган Ҳисобот докладида «Бизга йириқ ихтисослаштирилган, ишлаб чиқариш талабларига мос келадиган илғор технологияни жорий этиш имконини берадиган янги ва энг янги техника керак. Бу соҳада ҳаёт бизни шошилтирмоқда дейишнинг ўзи камлик қилади, ҳаёт бир соат ҳам тинчлик билмай олға бормоқда», деб таъкидланганлиги бежиз эмас, албатта.

Иттифоқимизнинг барча машинасозлари қатори «СССР 50 йиллиги» номидаги Тошкент трактор заводи ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи ҳам ўзларининг анъанавий байрамларини меҳнатда муносиб туҳфалар билан қарши олмоқда. Партия XXVI съезди тарихий қарорларини ҳаётга изчил тадбиқ этаётган кўп минг сонли Тошкент трактор заводи ишчилари айни кунларда барча совет кишилари каби СССРнинг Озиқ-овқат программасига ўз меҳнатлари билан муносиб ҳисса қўшиш ишқида яшаб, меҳнат қилишмоқда.

Фақатгина ўн биринчи беш йилликнинг биринчи йилида Тошкент тракторсозлари қишлоқ хўжалиги меҳнаткашларига 28.500 та трактор, 38 минг прицеп ҳамда 2 миллион 10 минг сўмлик эҳтиёт қисмлар етказиб беришди. Бу даврда планга қўшимча 218 та трактор, 60 та прицеп тайёрланди. 1981 йил Бутунитти-фоқ социалистик мусобақаси якунига кўра Тошкент трактор заводи коллективи КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС, ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи билан тақдирланди.

Албатта, бу муваффақиятларга ўз-ўзидан эришилгани йўқ. Бу завод ишчилари, инженер-техник ходимларининг ўз зиммаларидаги масъулиятни чуқур ҳис этган ҳолда қилган фидокорона меҳнатларининг самарасидир. Тошкент тракторсозлари юбилей йилида планга қўшимча 250 та трактор, 200 минг сўмлик эҳтиёт қисмлар тайёрлашга ҳамда 1 миллион 500 минг сўмлик маҳсулот реализация қилишга азму-қарор қилишган.

«СССР 60 йиллигига —60 зарбдор ҳафта», «Бугун кечагидан, эртага бугунгидан самаралироқ меҳнат қилайлик», «Беш йиллик — муддатидан олдин» шиорлари остида иш олиб бораётган корхона коллективи юбилей йилининг саккиз ойлик плантопшириқларини барча асосий кўрсаткичлар бўйича ошириб уддалашди. Эришилган бу муваффақиятларга Ўзбекистон Компартияси XX съезди делегати, токарь Лира Дюбинина ҳамда Г. Мароров, Л. Недорезов кабилар етакчилигидаги комплекс бригада аъзолари ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшдилар. Ўн биринчи беш йиллик план-топшириқларини уч ярим йилда бажаришга аҳд қилган бу азаматлар айни кунларда вақтдан ўзиб 1983 йилнинг учинчи кварталида ҳисобига меҳнат қилишмоқда. Бугунги кунда заводдаги 200 та бригада, 2 мингдан ортиқ ишчи беш йиллик план-топшириқларини 3,5—4 йилда бажариш ишқида астойдил иш олиб боришяпти.

Республикамиз қишлоқ хўжалигининг асосий тармоғи ҳисобланган пахтачиликни интенсив ривожлантириш уни комплекс механизациялаш ҳамда янада такомиллашган ишончли ва мукаммал машиналар яратишни тақозо этяпти. Бу борада ўн биринчи беш йилликда Тошкент тракторсозлари олдида

* * *

«Ташсельмаш» заводи Ўзбекистон индустриясининг зарбдор тармоқларидан биридир. Бу ерда ўзбек деҳқонининг оғирини енгил қилаётган йнғим-терим агрегатлари ишлаб чиқарилади. Машинасозлар коллективи турли миллат вакилларидан ташкил топган.

Суратларда: 1. Бош конвейердаги слесарь-йиғувчилар бригадасининг аъзолари (чапдан-ўнгга) Спартак Федяев, Александр Шумбутов, Ёқуб Аҳмедов, Ҳуролбой Хабибуллаев, Моисей Цой, Николай Колбасин, Раҳмат Мусурмонов ва Турғунбой Мақсудов. 2. Заводнинг тайёр маҳсулотлари.

А. Горокрик ва Э. Котляков фотолари.

ЧОРВАЧИЛИК МАҲСУЛОТИ ФАБРИКАСИ

Шеробод районида ташкил этилган янги «Зарбдор» совхозида катта молхона қурилди. Хўжалик гўшт ва сут етиштиришга ихтисослаштирилган. Совхозга озуқабоп экинлар экиш учун катта массив, жумладан бир ярим минг гектар суғориладиган майдон ажратиб берилди.

Сурхондарёнинг бошқа районларида ҳам шундай йўналишдаги яна тўртта совхоз ташкил этилди. «Украина» деб аталган ана шундай совхозлардан бири қўриқ Боботоғ массивида жойлашади. Барча хўжаликлар шу йилнинг ўзидаёқ қорамолларнинг дастлабки подасини қабул қилиб олишлари керак. Бу ерда уй-жойлар, чорвачилик бинолари, бошқа ишлаб чиқариш объектлари қурилиши авж олдириб юборилган.

Янги хўжаликлар ташкил этилиши чорвачилик маҳсулотининг муҳим турларини тайёрлашни анча кўпайтириш имконини беради. Бу совхозлар шу беш йиллиннинг охирига бориб, икки минг тоннадан ортиқ гўшт ва ўн минг тоннадан знёд сут тайёрлашлари лозим.

(ЎзТАГ мухбири).
Сурхондарё области.

Тошкент область Бўстонлиқ районидаги Калинин номли колхознинг Миржаббор Собитов бошлиқ бригадаси сабзавоткорлари етиштирилган ҳосилни нес-нобуд қилмай йиғиштириб олиш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар. Коллектив СССР Конституцияси кунигача эл дастурхонига 900 тонна сара сабзавот армуғон этишга аҳд қилган. Ҳозиргача Ғазалкент консерва заводига 800 тоннадан знёд помидор жўнатилди.

СУРАТДА: бригада бошлиғи Миржаббор Собитов ва илғор сабзавоткорлар Мовлуда Акбарова, Ҳабиба Дўрмоновалар қабул пунктига жўнатилаётган ҳосил намунасини кўздан кечирмоқдалар.

И. Портнов фотоси.

Қишлоқ ҳақиқати"га жавоб берадилар

«САБЗАВОТ ПЕШТАХТАСИГА ЙЎЛ...»

«Қишлоқ ҳақиқати» — «Тошкент оқшоми» газеталарининг юқоридаги сарлавҳали рейд материалида (1982 йил, 4 сентябрь) «Ташплодоовощ» бирлашмасига қарашли ихтисослашган магазинларда сифатсиз сабзавот ва мева маҳсулотлари сотилаётганлиги, бирлашма базасидан маҳсулотлар суслик билан магазинларга тарқатилаётганлиги танқид қилинган эди.

Рейд материал юзасидан қуйидаги жавоб олинди:

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИНИ СОТИБ ОЛИШ ВА СИФАТИ БЎЙИЧА ДАВЛАТ БОШ ИНСПЕКЦИЯСИ:

«Сабзавот пештахтасига йўл...» сарлавҳали рейд материалда таъкидланган камчиликлар ҳақиқатан ҳам содир бўлган. Тошкент область колхоз ва совхозлари 1982 йилда белгиланган планга мувофиқ «Ташплодоовощ» бирлашмасига 171,5 минг тонна сабзавот, 41,5 минг тонна картошка, 7,2 минг тонна узум ва 12,1 минг тонна мева маҳсулотлари етказиб бериши керак эди. 10 сентябрга бўлган маълумотларга кўра, бирлашма бўлинмаларига 80,5 минг тонна сабзавот, 43,4 минг тонна картошка, 9,4 минг тонна мева ва 3,1 минг тонна узум етказиб берилди.

Бир неча бор ўтказилган текширишлар шуни кўрсатмоқдаки, колхозлар ва совхозлар далаларидан йиғиб олинган сабзавот маҳсулотлари вақтида ташиб олинмай, бир неча кун далада қолиб кетяпти. Натижада сифати бузилган ва товар кўринишини йўқотган маҳсулотлар магазинларга келтириб, бу маҳсулотлар савдога чиқариляпти.

«Ташплодоовощ» бирлашмасининг омборлари кўпинча мева-сабзавот маҳсулотлари билан тўлиб кетмоқда. Улар савдога сустлик билан чиқарилмоқда. Бу ўз навбатида хўжаликлардан сабзавот маҳсулотлари қабул қилишни қийинлаштирмоқда.

Тузилган шартномага мувофиқ «Ташплодоовощ» бирлашмасининг тайёрлов ташкилотлари хўжаликларни маҳсулотларни ташиб олиш ва жойлаш учун транспорт воситалари ҳамда зарур таралар билан таъминлаши шарт. Бироқ, Ўзбекистон ССР Мева-сабзавотчилик министрлиги бирлашмани транспорт ва тара билан тўла таъминлай олмаяпти. Бундан ташқари қайтариб юборилиши лозим бўлган таралар кўпинча асоссиз равишда жойларда туриб қолмоқда.

Тошкент область ижроия комитетида мева-сабзавот маҳсулотлари бўйича область аграр-саноат бирлашмаси, қишлоқ хўжалиги бошқармаси, матлубот кооперациясининг вакиллари ҳамда баъзи хўжаликларнинг раҳбарлари иштирокида ҳар куни пойтахт аҳолисини мева-сабзавот маҳсулотлари билан таъминлаш масаласи кўриб чиқилиб, юз берган камчиликлар оперативлик билан тузатилмоқда.

«Ташплодоовощ» бирлашмасининг мавжуд моддий-техника базаси Тошкент шаҳри аҳолисини сарҳил мева-сабзавот маҳсулотлари билан қишин-ёзин таъминлаш имкониятига эга.

Л. ЧИКОБАВА.

Тошкент область қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиб олиш ва сифати бўйича Давлат бош инспекцияси бошлиғининг ўринбосари.

НОЗ-НЕЪМАТ БУНЁДКОРЛАРИ

Саъдулла ака Пўлатов ўзининг фидокорона меҳнати, жонкуярлиги, тиниб-тинчимаслиги билан «Бухоро» колхози меҳнат аҳлининг ҳурмат-эътиборини қозонганлардан бири. Эл бойлигига-бойлик қўшиш, дастурхон тўкин-сочинлигини таъминлаш учун ноз-неъматларни кўпайтириш коммунист С. Пўлатовнинг қалб даъватига айланган.

Қарийб 35 йилдан буён колхозда ҳалол ишлаб келаётган Саъдулла ака 10 йилдан бери хўжаликда боғ-роғларни кўпайтиришга, унинг ҳосилдорлигини оширишга муносиб улуш қўшиб келяпти. Улуғвор ўн биринчи беш йиллиннинг дастлабки йилида хўжалик давлатга 244 тонна сабзавот, 152 тонна полиз маҳсулотлари, 101 тонна ҳўл мева ҳамда бошқа боғдорчилик маҳсулотлари етказиб берди. Уни етиштириш ва нес-нобуд қилмай қабул пунктларига етказиб беришда Саъдулла ака Пўлатов ва унинг бригадаси аъзоларининг ҳиссаси катта бўлди.

— СССРнинг Озиқ-овқат программаси бригадамиз соҳибкорларини унумли меҳнат қилишга ва етиштирилган ҳосилни исроф қилмай, йиғиб олишга ундамоқда, — дейди соҳибкорлар саркори Саъдулла ака Пўлатов. — Биз ҳозир 12 гектар майдонда деҳқончилик қилаётган бўлсак, келгуси йилда Ўрчачўлдан яна 6 гектар майдон ўзлаштириб, экин оборотига киритамиз.

Дарҳақиқат, Қизилтепа районидаги «Бухоро» колхозида ноз-неъматларни кўпайтириш борасида ибратли ишлар қилиняпти. СССРнинг шонли 60 йиллик қутлуғ юбилейига муносиб совға ҳозирлаётган хўжалик боғбонлари ҳозиргача давлатга 277 тонна сабзавот, 125 тонна полиз, 51 тонна мева ва 4,1 тонна қуруқ мева етказиб берди. Йиллик планни бажардилар. Айни кунларда давлатга узум ва полиз маҳсулотлари топшириш давом этмоқда. Бунда коммунист Саъдулла Пўлатов бошлиқ боғдорчилик бригадаси аъзолари алоҳида ғайрат-шижоат кўрсатаётирлар.

Б. ЭГАМОВ.

ЗАВОД МАҲСУЛОТ БЕРА БОШЛАДИ

КПСС Марказий Комитетининг май Пленумида маъқулланган Озиқ-овқат программасида жамоат чорвачилигини янада ривожлантириш, унинг озуқа базасини мустаҳкамлашга алоҳида аҳамият берилган. Мазкур программада «хўжаликларо корхоналарни, колхоз ва совхозларни тўйимли оқсил ва витаминли қўшимчалар билан таъминлаш учун уларни ишлаб чиқаришни кўпайтириш» лозимлиги уқтириб ўтилган.

Белгиланган вазифаларни амалга оширишда ўз фаолиятини эндигина бошлаётган Ёзёвон районидаги Фарғона гўшт-суяк уни заводи ҳам катта аҳамият касб этади. Республикамизнинг Самарқанд, Тошкент, Бухоро областларида ишлаётган худди шундай корхоналарнинг тўртинчиси бўлган бу завод Фарғона қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасига қарашлидир.

Завод амалдаги йилнинг август ойида ишга туширилди. Корхонани зарур хом ашё билан мунтазам таъминлаб туриш мақсадида бир қатор тадбирлар кўзда тутилган. Шу мақсадда областнинг ҳамма районларида қабул пунктларини очиш кўзда тутилган.

Ёзёвон районидаги Гулистон қишлоқ Совети территориясига жойлашган завод область чорвадорлари ва парандабоқарларига ҳайвон оқсилига бой, юқори калорияли ем уни етказиб беради. Завод цехларида дастлабки тонна сервитамин озуқалар ишлаб чиқарилди. Корхонани 9-қурилиш трестига қарашли 2-механизациялашган кўчма колонна бунёдкорлари қуриб беришди.

Замонавий асбоб ускуналар билан жиҳозланган заводда ишчи-хизматчиларга зарур меҳнат шароитлари яратиб бериш, уларга маданий-маиший хизмат кўрсатиш борасида ҳам бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Корхона ишчиларига 80 ўринли ишчилар ошхонаси хизмат кўрсатяпти.

— Чўлда қад кўтарган корхонамизнинг келажаги порлоқ,—дейди завод бош инженери Абдуваҳоб Насритдинов, — Яқин орада завод территориясида 20 гектарлик мевазор боғ барпо этилади. Ёрдамчи хўжаликни ривожлантириш мақсадида 5 минг парранда боқиш имконини берадиган ферма ташкил этишни ҳам кўзда тутганмиз. Булардан ташқари ишчи ва хизматчиларни йил бўйи сабзавот ва полиз маҳсулотлари билан таъминлаш учун теплица хўжалигини қуриш планлаштирилган.

А. МАДРАҲИМОВ.

Марв майдонда синалади

РЕСПУБЛИКА МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ

ҲАММА ПЕШҚАДАМЛАР САФИДАН ЎРИН ОЛСИН

Республикамиз меҳнаткашлари учинчи миллион тонна ҳосибига пахта топширишни қизитиб юбордилар. 24 сентябрда тайёрлов пунктларига 164.337 тонна хом ашё топширилди. Мавсум бошидан бери 2.047.545 тонна пахта тайёрланди. Шунинг 668.254 тоннаси бункерлардан бўшатилди.

Тошкент, Хоразм, Бухоро, Сирдарё ва Жиззах областлари хўжаликларида пахта йиғим-терими юксак суръатларда амалга оширилмоқда.

Хоразм

Ҳазорасп районидаги К. Маркс номли колхознинг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Матёқуб Матназаров бошлиқ бригада йиллик планини адо этди. Эл хирмонига 520 тонна сифатли хом ашё топширилди, ҳосилдорлик 45 центнерни ташкил этди. Бригада коллективи мавсум охиригача ҳар гектар ердан яна 20 центнердан «оқ олтин» топшириш аҳд қилди.

24 сентябрда область далаларида 1279 «зангори кема» ишлатилди. Ҳар бир машина билан ўртача 4,5 тоннадан пахта терилди. Хонқа район дала гвардиячидари, айниқса унумли ишладилар. Бу ерда ҳар бир машина билан ўртача 5,6 тоннадан пахта терилди.

Тошкент

Чиноз районидаги Навоий номли колхознинг Ўринбой Акромов бошлиқ бригадаси 80 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 36,5 центнердан ҳосил кўтариб, ғалаба рапортн берди. Ялпи ҳосилнинг 85 проценти машиналарда терилди, 80 проценти эса биринчи сортларга топширилди. Бригада меҳнаткашлари 7 ноябргача ҳосилдорликни 60 центнерга етказишга ваъда бердилар.

Бўка районидаги Фрунзе номли колхозда пахта тайёрлаш йиллик плани бажарилди. 912 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 31,2 центнердан ҳосил кўтарилди. Малик Салимов, Ҳаким Жумабоев, Илҳом Омонов сингари илгор механизаторлар 120—150 тоннадан хом ашё тердилар. Хўжалик меҳнаткашлари ҳосилдорликни 42 центнерга етказиш учун курашмоқдалар.

ҚҚАССР

Автоном республикада шу кунгача 57 бригада йиллик план бажарилганлиги ҳақида рапорт берди. 24 сентябрда Амударё районидаги Крупская номли колхозидан Қозоқ Камолов бошлиқ бригада топшириқ ҳисобига сўнгги тонналарни тайёрлов пунктига жўнатди. 135 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 43 центнердан ҳосил кўтарилди. Илгор коллектив яна 27 центнердан «оқ олтин» йиғиштириб олиб, ҳосилдорликни 70 центнерга етказишга қарор қилди.

24 сентябрда чевар теримчилардан Тўрткўл районидаги Горький номли колхознинг аъзоси Зайнаб Қутлимуродова энг юқори кўрсаткичга эришди. У бир кунда 302 килограмм пахта терди. Мавсум бошидан бери Зайнабнинг терган пахтаси 6.200 килограммни ташкил этди.

Сурхондарё

Область пахтакорлари шу кунгача тайёрлов пунктларига 200 минг тонна, шу жумладан қариб 90 минг тонна нигичка толали пахта топширдилар. 25 сентябргача бир хўжалик, икки бўлим ва 78 бригада йиллик планни адо этганликлари ҳақида ғалаба рапорти бердилар.

Ленин йўли районидаги Будённий номли совхоздан Холмўмин ва Чори Сафаровлардан иборат оилавий экипаж 400 тоннадан ошириб пахта терди. Уларнинг мавсум мажбурияти 700 тоннадир. Гагарин районидаги Набиев номли совхознинг механизаторларидан эр-хотин Урулой ва Жўра Жўраевлар машина бункеридан 750 тонна пахта тўкиш учун курашмоқдалар. 25 сентябргача уларнинг терган пахтаси 276 тоннадан ошди.

Наманган

Ҳозирги кунларда область далаларида 200 дан ортиқ терим-транспорт отрядлари ишлаб турибди. 24 сентябрь куни пахта йиғим-теримида мингдан ортиқ «зангори кема» жавлон урди. Ҳар бир машина билан ўрта ҳисобда 3,6 тоннадан пахта терилди. Учқўрғон райони механизаторлари алоҳида ибрат кўрсатдилар. Бу ерда ҳар бир агрегат бункеридан бўшатилган пахта 4,5 тоннани ташкил этди. Шу райондаги Ленин номли совхоз ва «Ленинград» колхозларининг дала гвардиячилари ҳар бир машина билан 6 тоннадан пахта териб, энг яхши кўрсатичка эришдилар. Ҳар куни 12—14 тоннадан «оқ олтин» теराётган Эргашбой Абдуллаев, Адашали Турғунов, Умарали Усмонов каби механизаторлар ўзаро социалистик мусобақада пешқадамлик қилишмоқда.

Андижон

Бўз районидаги Тельман номли колхозда «дала-бункер-тележка-тайёрлов пункти» технологик занжири аниқ ҳаракат қилмоқда. Хўжаликдаги мавжуд 16 «зангори кема» ва 20 тележкадан юқори унум билан фойдаланилмоқда. 24 сентябрь куни колхоз заршунослари йиллик планнинг 11 процентн миқдорида пахта топшириб, областда энг юқори кўрсаткичга эришдилар. Давронбек Нурматов, Маҳмуд Сайдалиев, Хабибулла Абдувалиев сингари механизаторлар 10—12 тоннадан пахта териб, алоҳида ибрат кўрсатдилар.

«СССРнинг 60 йиллигига — 60 центнерлик ҳосил» ташаббускорларидан бири, Москва районидаги «Правда» колхозининг бригада бошлиғи, СССР Давлат мукофотининг лауреати Тўланбой Халилов бошлиқ коллектив 24 сентябрь куни йиллик планга нисбатан 13 процент миқдорида пахта топширди. Жалолиддин Жўраев, Мамажон Нишонов, Қўчқорали Юнусов каби механизаторлар ўз машиналари бункеридан 6—8 тоннадан пахта бўшатишди.

Қашқадарё

Машинада пахта териш бўйича Нишон районидаги оилавий экипажлар алоҳида намуна кўрсатишмоқда. 7-совхозидан Муродилла, Исроил, Иўлчи. Бўтаевлардан иборат оилавий экипаж эл хирмонига 460 тоннадан зиёд пахта топширди. Уларнинг мавсум мажбурияти 1500 тоннадир.

Косон районидаги «Косон» совхозидан Эгамберди Холиқов ва Кўкдала районидаги «Коммунизм» совхозидан Бобоқул Сатторов бошлиқ бригадалар маррага етиб келдилар.

Фарғона

Ўтган куни область далаларида 532 агрегат ишлади. Улар ёрдамида бир кунда 2592 тонна хом ашё терилди. Ҳар бир машинанинг ўртача иш унуми 4,9 тоннани ташкил этди.

Бувайда районидаги «Ленинобод» колхозидан Холмирза Мираббиев бошлиқ бригада йиллик планни адо этди. Ҳар гектар ердан 33 центнердан ҳосил кўтарилди. Заршунослар 45 центнерлик марра сари интилмоқдалар.

Ўзбекистон районидаги «Пахтақайнар» колхозидан Халимахон Мамажонова бошлиқ оилавий звено ҳар куни 750—800 килограммдан «оқ олтин» теряпти. Уч кишидан иборат бу звено ҳозиргача 11,5 тонна пахта теришга муваффақ бўлди.

Навоий

Навоий районидаги «Қизил Октябрь» колхозидан Зариф Бўриев бошлиқ бригада 6 иш кунида маррага етиб келди. Янги ўзлаштирилган 54 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 22 центнердан хом ашё тайёрланди. Бригада коллективи СССР Конституцияси кунигача ҳосилдорликни 35 центнерга етказишга қарор қилди.

Самарқанд

Каттақўрғон районидаги Крупская номли колхознинг Жўра Бобоев бошлиқ бригадаси дастлабки маррани эгаллади. 50 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 29 центнердан ҳосил кўтарилди. Бригада заршунослари СССРнинг 60 йиллиги шарафига ҳосилдорликни 50 центнерга етказишга ваъда бердилар.

Областда машинада пахта териш суръати кун сайин ошиб бормоқда. Каттақўрғон районидаги «Правда» колхозидан механик-ҳайдовчи, республикада хизмат кўрсатган механизатор Баҳром Убайдуллаев, А. Қурбонов номли совхозидан Мусурмон Отабоев, «Коммунизм» колхозидан Маннон Салимов каби гвардиячилар кунига 12—15 тоннадан пахта териб, меҳнат беллашувида илғорликни қўлдан бермаётирлар.

Сирдарё

Ворошилов райони пахтакорлари терим суръатига-суръат қўшмоқдалар. 24 сентябрь куни районда йиллик планга нисбатан 5,07 процент миқдорида пахта тайёрланди. Ана шу муваффақиятда район механизаторлари ҳал қилувчи роль ўйнадилар. Далаларда ишлатилган 365 пахта териш машиналарининг ҳар бири бункеридан ўрта ҳисобда 7 тоннадан ҳосил тўкилди. Шу райондаги «Гулистон» совхозининг механизатори Султон Қоражонов ҳар куни 20—22 тоннадан пахта термоқда.

Бухоро

Область далаларида 24 сентябрда 1070 «зангори кема» ишлади. Ҳар бир агрегатнинг ўртача иш унуми 3,1 тоннани ташкил этди. Ғиждувон районида ҳар бир агрегат билан 3,8 тоннадан «оқ олтин» терилди.

Ромитан районидаги «Ромитан» совхози механизатори Аҳмад Ҳамроев ҳар куни 15—16 тоннадан пахта термоқда. Мавсум бошидан бери у терган «оқ олтин» 190 тоннани ташкил этди. Шу райондаги «СССР 50 йиллиги» совхози механизатори Раҳим Нарзуллаев ҳам эл хирмонига 190 тонна пахта топширди.

Когон районидаги «Бухоро» совхозидан Тилов Холов бошлиқ бригада коллективи юксак социалистик мажбуриятларини бажарди. 72 гектар майдонинг ҳар гектаридан 45 центнердан ҳосил кўтарилди.

Зулфия ҳар йили пахта терими мавсумини сабрсизлик билан кутади. Чаман-чаман очилган дурларни кўриб атрофида парвона бўлади. Момиқ пахталарни териш билан тонгларни тунларга улашни истайди. Мана бугун ҳам у барвақт уйғониб дугонасининг деразасини чертиб ўтди. Матлубахон ҳам тезда кийиниб дугонаси билан далага йўл олишди.

Қуёш заррин нурларини теварак атрофга ёйганда дугоналар тўртинчи бор этакларига дур теришаётган эди. Шу тобда бригада саркори Ҳожи ака Турдиев ҳам келиб қолди.

— Ҳормангилар, азаматлар!

— Саломат бўлинг, ўртоқ бригадир, — деди унга жавобан Зулфия.

ҚИЗЛАР ҚУВОНЧИ

— Ғайратларингиз зўр-ку, бугун 200 килограммдан кам бўлмайди чоғи?

— Кўп бўлса бўладики, ортда қолмаймиз, — дея ғанга қўшилди Матлубахон.

— Ҳиммат нигизга, ғайратингизга барака.

Шундай дея бригадир шийпон томон йўл олди. У ерда ҳам чевар теримчиларга топшириқ берди-да, ўзи тош-тарозу масаласини ҳал қилишга кетди.

Терим суръати қизиганданқизиди. Бу меҳнат симфонияси то қуёш уфқа бош қўйгунча давом этди. Кўкда юлдузчалар чиқа бошлаганда дугоналар терган пахталарини топшириб бўлишган эди.

— Баракалла, қизим, — дея бригада саркори Ҳожи ака Турдиев Зулфияга юзланди. — Бугун ҳам пойгада ўзинг ғолиб чиқдинг. Терган пахтанг 280 килограммни ташкил этди. Дугонанг Матлуба 267 килограмм. Олия эса 256 килограмм пахта теришди.

Бригадир чеварларнинг номини бирма-бир айтиб уларга миннатдорчилик билдирди.

Бу уч дугона Зулфия Турдиева, Матлуба Носирова, Олия Турсуновалар Навоий область Қизилтепа районидаги «Меҳнат-роҳат» колхозининг чевар теримчилари ҳисобланишади. Уларнинг бугунгача терган пахталари 4 тоннадан ортиб кетди. Улар олинган мажбуриятларини барвақт бажариш йўлида фидокорона меҳнат қилиб, марра сари кундан-кунга дадил одимламоқдалар.

И. ҲАСАНОВ.

ЙИҒИМ-ТЕРИМ АВЖИДА

«Оқ олтин» ижодкорлари, замин баҳодирлари деганда кўз олдимда қадоқ қўлли фидойи деҳқонлар келади. Чўлда дур ундираётган, қуриқни пахтазорга айлантираётган пахта илмининг усталари ҳаёлимдан ўтади. Ана шундай пахтакорлик касбини эъзозлаб келаётганлардан бири Тошпўлат Аҳмедовдир. Қариб 5 йилдирки, у Навбаҳор районидаги «Москва» колхозида пахтачилик бригадасига етакчилик қилмоқда. Ана шу қисқа давр ичида бригадада ҳосилдорлик кескин ортди.

Ўн биринчи беш йилликнинг биринчи йилида айниқса юқори ҳосил кўтарилди. Мавжуд 84 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 50 центнердан пахта етиштирилди ва эл хирмонига 420 тонна ажло сифатли пахта армуғон этилди.

— Республикамиз бир группа пахтакорларининг «СССР 60 йиллигига — 60 центнердан!» ташаббуси билан майдонга чиқиши бизнинг бригада заршунос-ларини ҳам ана шу даъватга қўшилишга илҳомлантирди, — дейди бригада саркори Тошпўлат Аҳмедов юбилей йили мажбурияти ҳақида гапирар-кан. — 60 центнердан пахта ҳосили кўтариш — бу гапиришга осон. Лекин бир сўзли бригадамиз деҳқонлари ана шу юксак мажбуриятга ярашa мўл ҳосил тўпладилар. Шу кунларда пахта йиғим-терими қизғин давом этмоқда.

Ҳа, бригадир ҳақ гапни айтди. Заршунослар қутлуғ йилда зарбдорчасига меҳнат қилишди. Натижада далаларда юқори ҳосил етиштирилди. Аҳил коллектив аъзолари бу йил ялпи ҳосилнинг 80 процентини терим агрегатлари ёрдамида йиғиштириб олишга аҳд қилишган. Теримда Тошкент технологияси, дала-бункер-прицеп-пахта пункти методи кенг қўлланилмоқда.

Бригада механизатори Ҳайитмурод Пардаев юбилей йилида терим агрегати билан 250 тонна «оқ олтин» териб тўкишга сўз берган. Шунингдек, унинг мусобақадоши Баҳрон Тўхтаев эса 200 тонна пахта териш мажбуриятини олган. Бригада коллективининг ягона ниятн — 60 центнерлик маррани тезроқ эгаллаш ва СССРнинг 60 йиллик шонли тўйини муносиб меҳнат совғаси билан кутиб олишдир.

М. ШАРОПОВ.

МАШИНА ТЕРИМИДА ЮБУДГАРЧИЛИКНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ

Мутахассис минбари

Экспериментал тадқиқотларда шу нарса аниқланганки, илгари ишлаб чиқарилган 17 ХВ-1,8 агрегатлари ёрдамида ҳосил йиғиб-териб олинганда, биринчи терим пайтида очилган пахтанинг 8 процентдан 10 процентгача қисми ерга тўкилар эди. Тўкилган ҳосилнинг асосий қисми гўзанинг пастки қисмида жойлашган пахтадан иборат. Маълумки, гўзанинг пастки қисмида тола ва чигитнинг сифатига кўра энг яхши пахта жойлашган бўлади.

Машина терими пайтида тўкилган пахта механик подборщиклар ёрдамида ёки қўл билан териб олингунга қадар камида 15 — 20 кун ерда ётади. Егингарчиликлар ва тупроқ нами таъсирида толанинг сифати бузилиб, чигит эса машина ғилдираклари остида эзилади. Шу тарика ерга тўкилган I—II сорт пахта кўрак чувиш машиналаридан ўтказилиб, қабул пунктларига тўртинчи сортга, энг яхши ҳоллардагина учинчи сортга топширилади. Агар биринчи ва иккинчи сорт пахтанинг ҳар тоннаси 640 ва 560 сўм, учинчи ва тўртинчи сорт пахтанинг баҳоси эса 460 ва 210 сўм («Тошкент-1» нави, иккинчи зона учун) туришини ҳисобга олсак, сифатнинг пасайиши оқибатида хўжалик ҳар тонна пахтадан 100 сўмдан 430 сўмгача йўқотиши кўзга яққол ташланади.

Иккинчи машина теримида яна 2 — 4 процент пахта ерга тўкилади. Бу пахтанинг ҳам сифати кўрак чувиш машинасидан чиқарилган пахтаникидан устун туради. Шундай қилиб, икки теримда ерга тўкилган ҳосилнинг миқдори 10 — 12 процентга етади.

Янги ХНП-1,8 терим агрегатининг илгариги машиналардан фарқ қилувчи асосий хусусияти шундаки, у пневмоподборщик ва кичик габаридли тозалагич мослама билан жиҳозланган. Пневмоподборщик шпинделлардан ерга тўкилган пахтани териб олиб, тозалаш мосламасига узатади. Бу иш бевосита терим жараёнида амалга оширилади. Ерга тўкилган пахта ифлосликлардан тозалангач, бункернинг кичик секциясига жойланади.

Кичик габаридли тозалагич пахтани қабул пунктлари талаблари даражасида тозалай олмайди. Шу боисдан пневмоподборщикда териб олинган пахтани кўрак чувиш машиналаридан ўтказиб, тозалагандан сўнг қабул пунктларига жўнатиш лозим. Ерга тўкилган пахтанинг сифатини фақат шу тарика сақлаб қолиш мумкин.

Пневмоподборщик ёрдамида териб олинган пахта кўрак чувиш машинасидан ўтказилар экан, кичик габаридли тозалагичнинг нима фойдаси бор, машинада фақат пневмоподборщикнинг ўзини қолдирса бўлмайдими, деган савол туғилиши мумкин. Бўлмайди, чунки пневмоподборщик ерга эндигина тўкилган, майдаланган хасчўплар тола орасига кириб улгурмаган пахтани териб олиб, тозалайди. Агар шундай пахта териб олиш жараёнида тозаланмаса, кейинчалик майдаланган барглар толанинг орасига сингиб кетади ва тозалашни ғолтда мураккаблаштиради.

ХНП-1,8 терим машинасини ишга шайлаш пайтида пневмоподборщик ва тозалагичнинг тўғри ростланишига алоҳида эътибор бериш лозим. Биринчи марта ишлатилаётган пневмоподборщиклар айниқса диққат билан кўздан кечирилиши керак. Унинг вертикал деворлари тўғри ва бир-бирига параллел жойлашган бўлиши зарур.

Уни машинага ўрнатганда деворларнинг пастки кесими ер юзасига горизонтал ва аппарат рамаси тагидан 50 миллиметр юқорида бўлиши даркор. Деворларнинг ўзи эса жўяклар ўқидан 90 миллиметр нарида ғуради. Аппаратнинг чиқиш қисмига ўрнатилган тўсиқлар пневмоподборщикнинг ичида жойлашуви даркор. Акс ҳолда пневмоподборщик деворлари очилмаган кўсакларни ерга тўкиб юборади. Пневмоподборщикнинг кириш ва чиқишдаги шиптлари эгилган бўлса, шундай ҳолат юз бериши мумкин.

Тозалагич кожухи билан арра тишли барабан ўртасидаги оралиқ 4 — 6 миллиметрга тенг бўлиши даркор. Оралиқ катта бўлса, ифлос чиқувчи трубага пахта отилиб кириши мумкин. Оралиқ кичик бўлса, тозалаш самараси пасаяди. Тозалаш шчёткалари арра тишли дискка барабан бўйлаб бир текис тегиб туриши лозим.

Ваъзида тақсимлаш тўсиқлари ифлос ажратувчи трубалар ичига кириб қолади. Бу тозаланган пахтанинг труба орқали ташқарига чиқиб кетишига олиб келади. Бундай ҳол тақсимлаш тўсиқларини тўғри ўрнатиш орқали бартараф этилади.

Бункер туйнуги ва тозалагич ўртасида йўналтирувчи тўсиқ ўрнатилган бўлиши шарт. Бу тозаланган пахтани ерга тўкилишдан сақлайди.

Машинани пайкалга киритишдан олдин вентиляторни тез айлантирган ҳолда ифлос ажратувчи трубага кучли ҳаво оқимини йўналтириш даркор. Бу, трубада ифлосликларнинг тиқилиб қолишига йўл қўймайди.

Тозалагичи ишдан сўнг вентиляторлар ишлатилган ҳолда ювиш тавсия этилади. Акс ҳолда сув вентиляторга тушиб, парракларни ҳўллайди. Натижада иш жараёнида унга хас-чўплар ёпишиб қолади ва унинг мувозанатини бузиб, вентиляторнинг ишдан чиқишига олиб келади.

Кўп сонли экспериментлар шуни кўрсатмоқдаки, пневмоподборщиклар ёрдамида ерга тўкилган пахта икки карра терилганда ялпи ҳосилнинг 6 — 8 процентини териб олиш мумкин. Бунга машинани ростлаш ва эксплуатация қилиш бўйича мавжуд барча қоидаларга тўлиқ риоя қилинганида эришилади.

А. ДАДАБОЕВ,
САИМЭнинг сектор раҳбари, техника фанлари кандидати.

Дунё овози
Чет эл хабарлари

СССР ЮБИЛЕЙИ ШАРАФИГА

ХАНОЙ. (ТАСС). Вьетнам Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигини байрам қилиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг ташкил этилганлиги, деб таъкидланади қарорда, Октябрь революциясининг ғоят буюк ютуқларидан бири, В. И. Ленин, КПСС ва Совет давлати улуғ ғоялари ҳамда адолатли миллий сиёсатининг жонли тимсоли, инсониятнинг халқлар ўртасида тенглик ва дўстлик учун курашида жуда катта халқаро аҳамиятга молик тарихий воқеадир.

Совет халқи, деб таъкидланади қарорда, шонли Коммунистик партия раҳбарлигида Совет Иттифоқини тинчлик таянчи, барча халқлар революцион курашининг ишончли мададкори бўлган қудратли социалистик давлатга айлантирди. 80-йилларга мўлжалланган Тинчлик программаси ҳамда кейинги тинчлик ташаббуслари, айниқса ўртоқ Л. И. Брежневнинг Совет Иттифоқи ўз зиммасига ядро қуролини биринчи бўлиб ишлатмаслик мажбуриятини олади, деган баёноти тинчлик учун курашда халқларни илҳомлантирмоқда.

СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги байрами муносабати билан, дейилади ВКП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг қарорида, социализм ва коммунизм қурилишида совет халқи эришган ютуқларни, КПСС ва Совет давлати ленинча миллий сиёсатининг, тинчликсевар ташқи сиёсатининг муваффақиятларини ёритишга қаратилган кенг пропаганда кампанияси бутун Вьетнам миқёсида авж олдириб юборилади.

МАСЛАҲАТЛАШУВЛАР ДАВОМ ЭТТИРИЛАДИ

БОННН. (ТАСС). Христиан демократик иттифоқ ва христиан социал иттифоқ билан эркин демократик партия вакилларидан иборат қилиб, тузилмоқчи бўлган ҳукумат коалициясидаги шериклар бу ердаги маслаҳатлашувларни давом эттирдилар. Христиан демократик иттифоқ раиси Г. Коль, христиан социал иттифоқ раҳбари Ф.-Й. Штраус ва эркин демократик партияси раиси Г.-Д. Геншер ўртасидаги музокараларнинг иккинчи давраси бўлиб ўтди. Унда янги коалициянинг иқтисодий концепциясини ишлаб чиқиш билан боғлиқ бўлган масалалар муҳокама қилинди.

ЯНГИ КОМИТЕТ ТУЗИЛДИ

ҚОҲИРА. (ТАСС). Мисрда демократик эркинликларни ҳимоя қилиш миллий комитети тузилди. Мамлакатда иш кўраётган оппозициядаги барча партияларнинг вакиллари, касаба союз ва жамоат арбоблари, юристлар, матбуот ходимлари шу комитетга аъзо бўлиб кирдилар. Комитет ватанпарвар кучларнинг иктимоий ва сиёсий ҳаётни демократлаштириш учун олиб бораётган курашини мувофиқлаштириб туриши лозим.

МАР миллий-прогрессив (сўл) партиясининг Бош секретари Холид Моҳиддин шу партия қароргоҳида ўтказилган митингда сўзга чиқиб, демократик эркинликларни ҳимоя қилиш комитетининг тузилганлиги Миср демократик кучларининг катта ютуғи бўлиб, шубҳасиз, уларнинг курашини активлаштиришга ёрдам беражагини таъкидлади.

У мамлакатда қарийб бир йилдан буён амалда бўлган фавқулодда ҳолат бекор қилиниши, Садат даврида қабул қилинган демократияга зид бир қанча қонунлар бекор этилиши зарурлигини уқтирди. Илғор кучларга қарши репрессияларни оқлаш учун неча марталаб ана шу қонунлардан фойдаланилган эди. Х. Моҳиддин Миср халқи олдида империализм ва сионизмнинг кучайиб кетган тазйиқини даф этишдан иборат мураккаб вазифа турган ҳозирги босқичда сиёсий ва гражданлик эркинликларини таъминлашнинг муҳимлигини алоҳида таъкидлаб ўтди. Миллий прогрессив партиянинг Бош секретари кейинги вақтларда оппозицияга тазйиқ ўтказиш йўлидаги уринишлар кучайиб кетганлигини қоралади.

КЕНГАШ ЯКУНЛАРИ

УЛАН-БАТОР. (ТАСС). Бу ерда социалистик мамлакатлар юстиция министрларининг VII кенгаши бўлиб ўтди. Кенгашда БХР, ВХР, ВСР, ГДР, Куба, МХР, ПХР, СССР ва ЧССР, шунингдек Ангола, Афғонистон, Кампучия ва Лаос делегациялари иштирок этди.

Министрлар ҳозирги вақтда ўз мамлакатларида ҳал этилаётган ҳуқуқ сиёсатининг актуал проблемалари тўғрисида бир-бирларига ахборот бердилар. Учрашув қатнашчилари таъкидлаб ўтишганидек, ҳуқуқ бузилишларининг олдини олишда меҳнаткашларнинг иштироки муттасил кенгайиб бораётганлиги социалистик демократияни чуқурлаштиришнинг муҳим йўналишларидан биридир.

Кенгаш шуни қайд этдики, дунёдаги вазият кескин чигаллашган бир шароитда тинчликни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш, халқаро шартномалар ҳамда битимларни қатъий ва сўзсиз бажариш ҳозирги замоннинг энг актуал вазифасидир. Делегациялар 80-йилларга мўлжалланган Тинчлик программасини ҳамда Совет Иттифоқининг янги тинчлик ташаббусларини яқдиллик билан қўллаб-қувватладилар.

Кенгаш Осиё ва Тинч океани давлатлари ўртасидаги муносабатларда бир-бирларига ҳужум қилмаслик ва куч ишлатмаслик ҳақида конвенция тузиш тўғрисида МХРнинг таклифини тўла-тўкис қўллаб-қувватлади.

ТОШҚИН ҚУРБОНЛАРИ

НЬЮ ЙОРК. (ТАСС). Бундан бир неча кун аввал мамлакатда ёққан қаттиқ ёмғир сабабли рўй берган тошқин ва лой қўчкиси Гватемаланинг жанубида камида 560 кишини нобуд қилди. Яна бир ярим минг киши бедарак йўқолди. Қутқарувчи операцияларнинг раҳбарлари уларни ҳам асосан ҳалок бўлган деб ҳисобламоқдалар.

Гватемала жанубидаги вилоятларнинг 20 минг аҳолиси бошпанасиз қолди. 26 минг гектар ернинг ҳосилини жала ювиб кетди. 22 кўприк ўпирилди.

Метеорологларнинг прогнозларига кўра жала яна икки кун давом этади.

Араб мамлакатларининг норозиликларига қарамай Тель-Авив Иордан дарёсининг ғарбий соҳиллари ва Ғазо секторида ўз ҳукмронлигини мустаҳкамламоқда, бу ерларда абадий ўрнашиб олиш режаларини тузмоқда. Фактлар шуни кўрсатмоқдаки, Тель-Авив босиб олинган араб ерларини ўзлаштиришга амалда астойдил киришиб, қонунга хилоф равишда катта-катта қурилиш ишларини амалга оширмоқда.

СУРАТДА: Исроил ваҳшийлари Фаластин ватанпарварини қамоққа олмоқда.

(ТАСС фотохроникаси)

ОЗАРБАЙЖОН: ҚАРДОШЛИК ОИЛАСИДА

Озарбайжон олти ўн йиллик мобайнида катта тарихий йўлни босиб ўтди. 1922 йили Советларнинг 1 Закавказье съездида ЗСФСРнинг ташкил топиши ва унинг Совет Социалистик Республикалари Иттифоқига ихтиёрий қўшилиши ҳақида қарор қабул қилинар экан, делегатлар В. И. Ленинга табрик мактуби йўлладилар. Мактубда айтилдики, Закавказье меҳнаткашлари доҳийнинг доно йўлбошчилигида, коммунистик интернационалнинг енгилмас байроғи остида Октябрь ғалабаларини ҳимоя қилиш, ёш Совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш учун бутун куч-ғайратини аямайдилар.

Владимир Ильич Ленин Озарбайжонни сиёсий-иқтисодий, маданий жиҳатдан гуллаб-яшнаган, бутун Шарққа машъал бўлган ўлка сифатида кўришни орзу қилган эди. Унинг орзулари тўла-тўкис рўёбга чиқди.

Озарбайжонда рўй берган улуғвор ўзгаришлар Совет ҳукумати, Коммунистик партиянинг изчил амалга ошираётган ленинчи миллий сиёсатининг амалдаги тантанасидир.

Суратларда: 1. Бокунинг С. М. Киров номли маданият ва истироҳат боғи тарафидан кўриниш. 2. Ленкоран районидаги «Партия XXIV съезди» совхозининг энг яхши чой терувчиси Окахоним Ризаева. 3. Пушкин районидаги Киров қишлоғининг нуроний онахони, 142 ёшли Апруз Газаева. (ТАСС фотохроникаси).

ТАБИБ ТАБИБ ЭМАС...

ШИФОКОР ЁН ДАФТАРИДАН

Улуғ Ватан уруши иштирокчиси, меҳнат ветерани Ҳожиакбар Ҳожимуродов колхознинг обрўли кишиларидан бири. Тўй-ҳашамларни пайнису лаган, пиёлаю косалар билан таъмин қилади. Ҳамиша мезбоннинг миннатдорчилигига сазовор бўлади. Ҳожиакбар ака ниҳоятда ширинсуҳан, одамохун. У киши икки сўзнинг бирида «Қўшгани билан қўша қарисин», «Бешикка қўчқордай ўғил берсин», «Тўй устига тўй бўлсин», дея кишилар кўнглини олгани олган. Ғам ташвиш, дард каби бахтсизликларга дуч келиб қолса ҳам доим топиб, билиб ғапиради. Ширин сўзи билан киши дардига малҳам бўлади.

Кейинги бир йил ичида ўзи ҳам бирин-кетин оғир мусибатга учради. Олдин бола-чақали бир келини, сўнг турмуш ўртоғи дунёдан кўз юмишди. Инсон боши тегирмон тоши экан. Ҳожиакбар ака ҳаммасига чидади.

Кунлардан бир кун у кўчада хўжалик шифокори Барно Умаровани учратиб қолди. У билан худди фарзандидек қуюқ сўрашди, қариндош-уруғларини суриштирди. Бироздан сўнг улар хайрлашгач, ҳаёл Барнохонни колхозда илк бор иш бошлаган кезлари томон етаклади...

...Колхоз поликлиникасига қотмадан келган, кўринишидан еуяги меҳнатда қотган, хўжаликда обрў-эътибор қозонган Ҳожиакбар ака навбатдаги назоратдан ўтгани кириб келди. Ҳали медицина соҳасида тажрибага эга бўлмаган Барнохон у кишининг қон босимини ўлчаб, қутилмаганда бир чўчиб тушди. Ошиқиб яна бир марта ўлчади. Шундан сўнг бир асбобига, бир беморга назар ташлаб:

— Бошингиз айланмайдими? — деди.

— Йўқ...

Шифокор дарров юракка қулоқ солди. Шу заҳоти ранги қув ўчди. Ҳожиакбар аканинг пайпаслаб ушлаб:

— Ана қушетка, ётиб олинг, — дея «уҳ» тортдида, икки қўлтиғидан ушлаб, кўмаклашмоқчи бўлди. Шунда Ҳожиакбар ака:

— Ҳа, қизим, ўзи нима гап? — дея гап қотди.

— Тағин сўрайсиз-а, уйга врач чақиртирсангиз бўлмасмиди?

— Нега? Соппа-соғман-ку.

— Йўқ, йўқ, ҳозир «тез ёрдам» машинасини чақираман. Марказдаги касалхонада даволанасиз!

Навбат кутиб ўтирган беморлар эшикни тарс очиб, кодидорга чиққан шифокорни кўришгач, «Бирор оғир аҳвол юз берди шекилли», деган хаёлга боришди.

Барнохон дуч келган қайсидир ҳамширага «тез ёр дам» машинасини чақир, деб қулоғига нималарнидир пичирлади. Кейин аптечкадан тўрт хил дори олди. Шитоб билан хонасига кирар экан, кийиниб табассум билан, ўтирган ҳалиги беморни кўриб: «Сиз қанақа одамсиз, ахир», — дея бир йўла ўнг қўлидаги асбоб билан юракни, чап қўли билан томирни қайта текшира кетди.

— Қизим, тинчланинг, мен соғман, — деди у жилмайиб.

Барнохоннинг юзига қон юриниб, истараси иссиқлашар экан:

— Ўзингизмисиз, бинойидексиз-ку, — деб юборди.

— Сизнинг ҳузурингизга йигирма зинадан чиқиб келишнинг ўзи бўлмайди. Ўзимга келолмасдан қўлингизга тушдим. Бунинг устига сизни йўқотиб қўйган келинимга ўхшатиб, юрагим дук-дук уриб кетди, шунда. Бу ҳам майли-я. Қайси бўғинимни огриқига қараб, об-ҳавони бузилишини, ёмғирми, қорми ёғишини, сўнг қандан дардга чалинишимни биламан.

Масаланинг андак маъносига тушунган Барнохон:

— «Тез ёрдам» машинасини чақирувдим-у, — деди ҳайрон бўлиб.

— Жавобини бериб юборамиз, жуда бўлмаса, уйимга олиб бориб қўясиз...

...Барнохон хаёл билан бўлиб поликлиникага етиб келганини сезмай ҳам қолди. Ҳа, шу воқеа содир бўлганига ўн йилдан ошган бўлса керак. Шу йиллар мобайнида у тажрибали врач бўлиб етишди, кўплаб шогирдлар тайёрлади. Ўша воқеа ёдига тушганда доимо «Табиб табиб эмас, бошидан ўтказган табиб», деб бежиз айтилмаганлигига ишонч ҳосил қилади. Зеро, у бунга дастлабки мустақил иш бошлаганида ишонч ҳосил қилган эди...

Зикрилла ЭГАМБЕРДИЕВ,
медицина фанлари кандидати.

ИҚТИСОД ВА ТЕЖАМКОРЛИК УЧУН

ЖУРНАЛИСТЛАР ВА ИШЧИ-ҚИШЛОҚ МУХБИРЛАРИНИНГ «БАРЧА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАЁТГАН МАҲСУЛОТНИ САҚЛАЙЛИК ВА УЛАРДАН ОМИЛКОРЛИК БИЛАН ФОЙДАЛАНАЙЛИК!» ШИОРИ ОСТИДАГИ РЕСПУБЛИКА ҲАРАКАТИ

У КПСС Марказий Комитети 1982 йил май Пленумида тасдиқланган СССР Озиқ-овқат программасига мувофиқ ҳолда Бутуниттифоқ ҳаракати доирасида 1982 йил 1 августдан 1986 йил 1 январига қадар ўтказилади ва халқ депутатлари ташаббуси билан авж олдирилган саноатда, қишлоқ хўжалигида, агросаноат комплекси корхоналарида, транспорт ва хизмат кўрсатиш тармоқларида моддий ва меҳнат ресурсларини сақлаб қолиш ва улардан тобора самарали фойдаланиш учун бошланган ҳараратга ҳар томонлама кўмаклашишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди.

Ҳаракатнинг бош вазифаси пахта, дон, бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш бўйича план ҳамда социалистик мажбуриятларини бажариш ва ошириб бажариш учун курашда қишлоқ меҳнаткашларига ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш, мамлакат озиқ-овқат ресурсларига энг кўп даражада имкони бўлган ҳисса қўшишни таъминлашдан иборат. Шу мақсадда бошланғич журналистлар ташкилотлари ўз вакиллари —журналистлар ва ишчи-қишлоқ мухбирларини корхоналар, колхозлар, совхозлар ва шу кабилардаги ижтимоий назорат постлари группаларига киритадилар. Текширув рейдлари, кўриклар, конкурслар ўтказадилар. Ҳар бир бошланғич журналистлар ташкилотларида шахсий иқтисод ҳисоби олиб борилади.

Қорақалпоғистон АССР Журналистлар союзи, Тошкент шаҳар ва областлар журналистлар ташкилотлари правлениелари, партия комитетлари билан келишган ҳолда штаблар тузадилар, бу штаблар ҳаракатга оператив раҳбарликни амалга оширади, иқтисод ва тежамкорлик учун кураш натижаларини умумлаштиради, ҳаракатнинг бориши тўғрисида область ва республика матбуоти, телевидение ва радиода ахборотлар эълон қилади. Ўзбекистон Журналистлар союзи правлениеси ҳузурида республика штаби тузилади.

Ҳаракат якунлари Қорақалпоғистон АССР Журналистлар союзи, Тошкент шаҳар ва область Журналистлар ташкилотлари правлениелари томонидан йилига икки марта — 1 июнь ва 1 декабрда чиқарилади. Ўзбекистон Журналистлар союзи республика ҳаракатини 1 июль ва кейинги йилнинг 1 январида якунлаб туради. Ҳаракатнинг дастлабки якунлари 1982 йил 15 декабрда чиқарилади.

Ўзбекистон Журналистлар союзи правленнеси энг яхши натижаларга эришган журналистлар коллективлари учун **ҳар бири 150 сўмдан 3 та алоҳида қатнашчилар учун ҳар бири 50 сўмдан 5 та мукофот ва Ўзбекистон Журналистлар союзининг бешта фахрий ёрлиғини белгилади.**

Ўзбекистон Журналистлар союзи правленнесида Ҳурмат китоби таъсис этилиб, унга иқтисод ва тежамкорлик учун республика ҳаракати пешқадамлари бўлган журналистлар ва ишчи-қишлоқ мухбирларининг номлари киритилади.

Ахборот

ЯНГИ ОШХОНА

Гагарин районидаги «Янгиобод» совхозининг марказий посёлкасида янги, 200 хўрандага мўлжалланган ошхона қурилиб, ишга туширилди.

Бешқўтон ишчилар кооперациясига қарашли Неъмат Иброҳимов бошлиқ қурувчилар бригадаси бунёдкорлари барпо этишди. «Гўзал» номи берилган ошхонада шўрва, палов, тандир кабоби, сомса ва бошқа таомлар тайёрланяпти. Қабобпаз Оллоқул Мажидов, сомсапаз Саид Шарипов, чойхоначи Ҳасан Абраевлар ишидан мижозлар мамнун.

ҲАЙВОНЛАР КЎПАЙМОҚДА

Термиз ҳайвонот боғи 1938 йилда ташкил этилган бўлиб, 20 гектар майдонни эгаллайди. Ҳозир бу ерда 230 хил ҳайвон асралмоқда.

Улардан 10 таси СССР «Қизил китоби»га киритилган. Яқинда бу ерга ёввойи итлар, Канада бўрилари келтирилди.

Боғ маъмурияти ҳайвонот боғи ишини янада яхшилаш чораларини кўрмоқда.

САҲНАДА — «ЁЛҒИЗЛИК»

Маннон Уйғур номидаги область музикали драма театри татар драматурги Т. Минуллининг «Ёлғизлик» драмасини рус тилида саҳнага қўйди.

Асарни театрнинг бош режиссёри М. Равшанов саҳналаштирди. Драмадаги асосий ролларни театрнинг Г. Равшанова, М. Абдуқундузов, Р. Маматалиев, О. Алимова каби актёрлари ижро этишяпти.

Спектакль томошабинларга намойиш этилиб, яхши баҳо олди.

ФРОНТДОШ ДЎСТЛАР УЧРАШУВИ

Украина ССРнинг Котовский шаҳрида яшовчи уруш ветерани Д. Волошин ўзбекистонлик қуролдош дўстини излаб, матбуотда чиқиш қилганди.

У орадан 35 йил ўтгач, қуролдошини излаб топди. У киши ҳозир Қумқўрғон районидаги «Комсомол 30 йиллиги» совхози директорининг ўринбосари, III даражали Шуҳрат ордени кавалери Абдусалом Раҳмонов экан. Раҳмонов ўтган йили Котовский шаҳрида бўлиб, дўсти билан дийдор кўришди. Бу йил Волошин хотини Лидия билан Қумқўрғонга меҳмон бўлиб келди. У совхоз дирекцияси ва партия комитети, қумқўрғонликлар томонидан қизғин кутиб олинди. Районнинг диққатга сазовор жойларида бўлди. Ғалаба паради иштирокчиси Абдусалом ака билан жанг хотираларини эслашди.

М. АЗИМОВ.
Сурхондарё области.

СПОРТ

● ФУТБОЛ

ИККИНЧИ ЛИГАДА

Мамлакат чемпионатининг иккинчи лига, еттинчи зонасида иштирок этаётган командалар ўртасида навбатдаги тур ўйинлари бўлди. Шунинг эътиборга лойиқки, мазкур матчларда биронта ҳам дуранг натижа қайд этилмади.

Умуман, тўққиз ўйиннинг олтитасида майдон эгалари, учтасида меҳмонлар ғолиб чиқишди. Мазкур учрашувларда дарвозаларга ҳаммаси бўлиб 26 та тўп киритилди. Шулардан 16 таси майдон эгалари, 10 таси меҳмонлар ҳисобига ёзилди.

Биринчилик давомида ўз мухлисларини хурсанд этиб келаётган Самарқандниг «Динамо» командаси футболчилари ҳамон якка пешқадамликни қўлдан бой беришмаяпти. Аксинча, улар турдан-турга ўзларини таъқиб этиб келаётган командалардан очколар бўйича илгарилаб кетишмоқда. Бу сафар динамочилар Ленинободнинг «Хўжанд» коллективи билан куч синашдилар. Самарқандликлар мазкур матчни ҳам карвонбошига хос тарзда ўтказишди. Улар дастлабки минутларданоқ ташаббусни ўз қўлларига олиб, уни ўйин охиригача бой беришмади. Пировардида «Динамо» командаси йирик ҳисобда ғалабага эришиб, очколар сонини яна иккитага бойитди. Самарқандликлар рақиблари дарвозасига жавобсиз тўртта тўп киритишди.

Турнир жадвалида пешқадамлар сафида бораётган Тошкентнинг «Старт» командаси бу сафар мухлисларини ранжитиб қўйди. Тошкентликлар ўз майдонларида «Шаҳрихончи» коллективини қабул қилдилар. Ўйин давомида меҳмонлар томонидан уюштирилган ҳужумларнинг учтаси стартчилар дарвозасига тўп киритилиши билан якунланди. Майдон эгалари қанчалик ҳаракат қилишмасин бирон маротаба ҳам муваффақиятга эриша олишмади.

Бу турда «Нефтяник» командаси ҳам сафарда тўп сурди. Уларни «Ҳисор» коллективи қабул қилди. Мазкур ўйинда омад меҳмонлар томонида бўлди. Учрашув ниҳоясида «Нефтяник» 3:0 ҳисобида ғолиб чиқди. Тўрақўрғоннинг «Ёшлик» клуби ўз майдонида «Олой» (Ўш) коллективи билан бўлган учрашувни ташаббускорликда ўтказиб, 4:2 ҳисобида ғолиб чиқди.

«Амударё» командаси ҳам йирик ҳисобда ғалабага эришди. Улар ОРМ клуби дарвозасига тўртта тўп йўллашди. Меҳмонлар бунга бир тўп билан жавоб беришди, холос.

Шу турнинг бошқа ўйинлари қуйидаги натижаларни берди: —«Хива» — «Автомобилист» — 1:0, «Янгиер» — «Хоразм» — 2:0, «Наримановчи» — «Пахтакор» — 1:0, «Соҳибкор» — «Зарафшон» — 0:1.

7-зона коллективлари ўртасидаги навбатдаги тур учрашувлари 30 сентябрда ўтказилади.

● ЭРКИН КУРАШ

ҒОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

Одессада Совет Иттифоқи маршали Р. Я. Малиновский хотира совғини учун ўтказилган Бутуниттифоқ турнири ниҳоясига етди.

Мусобақа давомида 11 иттифоқдош республикаларнинг спортчилари ғолиблик учун кураш олиб бордилар. Турнирда республикамиз шарафини ҳимоя қилган гулистонлик К. Пухачев ва урганчлик Р. Шахмаевлар маҳорат кўрсатиб ўз вазнлари бўйича ҳурмат шоҳсупасининг юқори поғонасидан жой олишди.

Редактор
И. СУЛАЙМОНОВ.

ҲАР ТЎҒРИДА

ТОШБАҚАЛАР ҲИМОЯ ОСТИДА

Англиялик ҳайвонот олами ишқибозлари «Умумий бозор»дан унга аъзо бўлган мамлакатларга тошбақалар келтирилишини таъқиқловчи қонуний чораларнинг қабул қилинишига эришдилар.

Юридик расмиятчиликка мувофиқ бу қонуний тадбирлар 1984 йилнинг январидан кучга киради. Янги қонуний чоралар минглаб тошбақаларни аёвсизлик билан қириб юборилишининг олдини олиш имконини беради. Ғаш шундаки, деб хабар беради Американинг Ассошиэйтед Пресс агентлиги Туркия ва Грециядан Англияга келтириладиган жуда кўп миқдордаги тошбақалар мамлакатда бемалол сотилади. Оқибатда тошбақаларнинг 80 фоизи бир йил мобайнида қирилиб кетади.

ОСИЁ АҲОЛИСИ

Кейинги 10 йил мобайнида Осиё қитъаси аҳолиси яна 450 миллион кишига кўпаяди. Осиё ва Океания аҳолисининг кўпайиши муаммолари бўйича Коломбода ўтаётган III конференция қатнашчилари шундай хулосага келдилар. Ҳиндистонда аҳолининг кўп ўсиши кутилмоқда, 10 йиллик мобайнида аҳоли 136—140 миллионга кўпаяди. Хитойда ҳам тахминан ўсишнинг шу даражаси қайд қилинади. Бангладеш, Индонезия, Эрон, Покистон, Филиппин, Таиланд ва Вьетнам каби Осиё мамлакатларнинг ҳар бирида аҳоли 10 миллионга кўпаяди. Одамларнинг шаҳарга кўчиб келиш жараёни тез суръатларда юз беради. Агар 1950 йили Осиёда аҳолисининг сони 5 миллиондан кўп бўлган шаҳарлар фақатгина иккита — Токио ва Шанхай бўлган бўлса, 2000-йилга бориб уларнинг сони 25 тага етади.

Маълумотларга кўра 1980 йилда Осиё қитъасининг 39 мамлакатида 2,4 миллиард киши яшаган.

(ТАСС).

«НАРГИЗ»НИНГ ПАРВОЗИ

Ғузор район маданият уйи қошидаги Қашқадарё область Ленин комсомоли мукофотининг лауреати «Наргиз» ашула ва рақс халқ ансамблининг довруғи тобора давом ошмоқда. Ижодий коллектив яқинда Қорадон Озарбайжон ССРга қилган сафаридан қайтиб келди.

Иккинчи истеъдод эгалари қардош республиканинг Нефтечала районидаги аҳолисига маданий хизмат кўрсатдилар. Ансамбль коллективи районнинг 1-«Май», Ю. Қосимов, «Большевик», Шаумян номли колхозларида, Бани қишлоғи, район марказида кенг программада концерт намойиш этди. Ҳаваскорларни Озарбайжон ССР Маданият министрлигида қабул қилишди. Учрашувда Озарбайжоннинг атоқли санъат арбоблари, ёзувчилар иштирок этишди. Ансамбль қатнашчилари Боку шаҳрининг Воладарский номли тикув фабрикаси ишчи-хизматчиларининг ҳам меҳмони бўлишди.

Хонанда-созандалардан Бойсун Сафатов, Ҳаким Ҳидиров, Шарҳон Қудратов, опа-сингил Сабохат ва Гулчеҳра Ҳамидовалар, Норхол Зойирова, Махбуба Эгамбердиева, Ҳамид Эгамбердиев, Марям Мангриевалар ижрочилик маҳорати билан озарбайжонлик санъат мухлисларининг олқишига сазовор бўлишди. Ҳусан Қурбонов ижросидаги озарбайжон ва бошқа қардош халқлар қўшиқлари, Шермат Холматов репертуаридаги хорамзча, грузинча, озарбайжонча, тожикча, ҳиндча, ўзбек халқ рақслари санъат мухлисларига манзур бўлди.

«Наргиз» қатнашчилари қардошлар томонидан муносиб тақдирланди. Ансамбль коллективи ва қатнашчилари 35 та диплом ва ёрдиқлар, қимматбаҳо буюмлар билан мукофотландилар.

Бошқа жойларда бўлганидек, областимизда ҳам пахта йиғим-терими авжида. Мақсадимиз, коллективимиз репертуарини замонавий қўйқўшиқлар билан бойитиб, пахтакор, механизатор, хулласи, йиғим-терим илғорларига намунали маданий хизмат кўрсатишдир.

А. ЖУРАЕВ,
ансамблнинг бадиий раҳбари.

ОБ-ҲАВО

(26 СЕНТЯБРДАН 2 ОКТЯБРГАЧА

Ҳафтанинг биринчи ярмида Ўзбекистон территорияси жануби-ғарбий йўналишдан шарққа силжиётган антициклон таъсири остида бўлади. Бу даврда бутун республика бўйлаб қуруқ ва анча иссиқ ҳаво сақланиб туради. Ҳаво ҳарорати кечаси 8—13, кундузи 22—27 даража, жанубий областларда кечаси 10—15, кундузи 25—30 даража атрофида бўлади.

Ҳафтанинг иккинчи ярмида Европанинг ғарбий районларидан Ўрта Осиё территорияси узра суст фронтал оқимларнинг ўтиш эҳтимоли бор. Бунинг натижасида Қорақалпоғистон АССР, Хоразм области, республиканинг тоғли ва тоғ ёнбағри районларида бироз ёмғир ёғиб ўтади. Ҳарорат бирмунча пасаяди. Аммо ҳавонинг ўзгариши қисқа муддатли. Умуман, сентябрнинг сўнгги ҳафтаси кўп йиллик об-ҳаво шароитларига кўра, ўртача иқлим нормаларига яқин бўлиши кутилади.

Телевидение

ДУШАНБА

27 СЕНТЯБРЬ

● МТ I

9.00 «Время».
9.45 «Усмирлар ижоди».
10.25 «Эртак ҳузурида меҳмонда». «Шоҳ Султон ҳақида эртак».
12.05 «Мўъжизасиз-мўъжизалар».
13.10 Запорожье Педагогика институти халқ чолғу оркестрининг концерти. Запорожьедан олиб кўрсатилади.
13.40 Янгиликлар.

* * *

15.00 Янгиликлар.
15.20 Ҳужжатли фильмлар программаси.
16.15 «Оналар мактаби».
16.35 «Тантанали равишда ваъда бераман». Телевизион ҳужжатли фильм. 2-фильм.
17.40 «Стадион ҳамма учун».
18.10 «Ёшлар адреслари».
19.10 Футбол шарҳи.
19.40 «Партия планлари —халқ планлари». Қишлоқда турар-жой қурилиши тўғрисида.
20.10 Халқаро музика куниги. Дмитрий Шостакович. Саккизинчи симфония.
21.30 «Время».
22.05 «Бир актёр театри».
22.30 Хоккей бўйича СССР чемпионати. «Динамо» (М)—МАСК. 2- ва 3-даврлар. В. И. Ленин номли Марказий стадионининг Спорт саройидан олиб кўрсатилади.
24.00 «Дунё воқеалари».

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.20 «Давлат аҳамиятига молик иш». Илмий-оммабоп фильм.
9.35 ва 10.45 Табиатшунослик. 3-синф. План, карта ва компас.
9.55 «Қушлар ва ҳайвонлар ўз ниида». Илмий-оммабоп фильм.
10.15 «Рус тили».
11.05 Алкоголизм ҳақида суҳбатлар. Хатларга жавоблар.
11.35 ва 12.40 А. М. Горький. «Тубанликда». 10-синф.
12.05 «Фан оламида».
13.10 Ўқитувчи экранн. Тарих. 8-синф. Якобин диктатураси.
13.35 «Оталар ерида» (СССР халқ ўқитувчиси А. М. Иванов).
14.25 «Тракая қўли». Илмий-оммабоп фильм.
14.35 СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигига. «Ишчи эстафетаси».
15.25 Янгиликлар.

* * *

18.30 Янгиликлар.
18.50 «Туғилган ва ўсган жойда». Ҳужжатли фильм.
19.00 БССР Давлат академик симфоник оркестрининг концерти.
19.50 Илмий-оммабоп фильмлар программаси.
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 «Халқаро панорама».
21.30 «Время».
22.05 «Наапет». Бадиий фильм.
23.45 «Днепр узра қўшиқ». Фильм-концерт (Киев).

● ЎзТВ I

18.00 Кўрсатувлар программаси.
18.05 Болалар учун фильм. «Эртак бошланади».
18.30 «Усмирлар ижоди».
19.00 «Бугун — Бутунжаҳон туризм куни».
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Космосни забт этаётганлар — чўлни забт этувчиларга» (рус.).
20.00 «Ойгул бахтиёр». Фильм-концерт («Узбектелефильм»).
20.30 «Ахборот».
20.50 «Ёшлар куйлагандa». Концерт.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Чорвачилик — зарбдор фронт».
22.25 СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигига бағишланган кўп миллатли совет адабиёти фестивалининг байрам кечаси. А. Навоий номли Давлат академик Катта театридан олиб кўрсатилади (ёзиб олинган).

«ҚИШЛОК ҲАҚИҚАТИ»
«СЕЛЬСКАЯ ПРАВДА»
Газета Центрального Комитета Компартии Узбекистана

БИЗНИНГ АДРЕС: 700 000, ТОШКЕНТ—П, ЛЕНИН КЎЧАСИ, 41*

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор ўринбосарлари — 33-44-43 32-56-21, 33-54-33, 32-54-42. Масъул секретари — 33-09-93, 32-56-26. Секретариат — 32-54-48, 32-56-25. Партия турмуши бўлими — 32-56-34, 32-56-22. Деҳқончилик бўлими — 32-56-35, 32-54-51. Чорвачилик бўлими — 32-56-28. Қишлоқ қурилиши бўлими — 32-54-44. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими — 32-56-36. Ахборот ва спорт бўлими — 32-54-46. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-54-52, 32-56-39. Таржима бўлимлари — 32-56-37, 32-54-54. Сатира ва юмор бўлими — 32-54-52. Иллюстрация бўлими — 32-56-27, 32-58-83. Эълонлар бўлими —33-81-42.

Нашриёт диспетчери — 32-78-94. Нашриёт телефон станциясининг навбатчиси — 33-90-50.

Р. — 06579. Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босма хонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64543. А. 1124. 3